

O'ZBEKISTON adabiyoti va san'ati

ADABIY-BADIIY,
MA'NAVIY-MARIFIY,
IJTIMOIY GAZETA

1956-yil 4-yanvardan
chiqa boshlagan

2023-yil 23-iyun
№24 (4735)



2023 йил – ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

Юртимизда болаларнинг ёзги дам олиш мавсуми биринчи ойи – июнь охири бормоқда, мактабларда янги ўқув йилининг бошланишига яна икки ойдан зиёроқ вақт бор. Албатта, ёз мавсумида болалар ўзларини қизиқтирган машғулотлар билан банд бўлади. Айниқса, Баркамол авлод мактаблари фаолияти янада кучайиб, ахамияти яққол кўринади. Бу турдаги таълим муассасалари ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда, ўтган асрда Гайратий домланинг Республика ўқувчилар саройида очган адабиёт тўғраги ёдимга тушади. Академик Наим Каримов “Гайратий мактаби” мақоласида ёзишича, бу тўғрақ йигирма йиллик синондан ўтган ва адабиётимизда ўчмас из қолдирган атоқли ва таниқли шоирлар Эркин Воҳидов, Хайридин Салоҳ, Сайёр, Тўлқин, Анвар Эшонов, Анвар Исроиловларни тарбиялаган. Албатта, тўғрақ тарихи синчиклаб ўрганилса, бу масканда таълим олган болаларнинг адабиётдан бошқа соҳаларда ҳам кўзга кўринарли натижаларга эришганини аниқлаш мумкин.

МЕХР СЕХРИ

Айни кунларда Тошкентдаги баркамол авлод мактабларига (аввалги ўқувчилар саройлари) кириб қолгудек бўлсангиз, айниқса, шаҳар марказий баркамол авлод мактаби йўлагига қўйилган стул ва диванларда фарзандини, набирасини машғулота киритиб, ўзи кутиб ўтирган ота-оналар, бувижонларга кўзингиз тушади. Улар бир-бири соғлаб газета ёки китоб варақлаб, хотиржам ўтиришади. Бундай манзарани Санъат ва мусика мактабларида ҳам, спорт саройларида ҳам кузатиш мумкин. Аммо уларнинг орасида негадир ўзбекларни кам кўрасиз.

Бу борада мактабнинг тўқиб тўғраги раҳбари Мавлуда Ўразбоева билан фикримиз бир жойдан чиқди: нега аксарият ота-оналар фарзандларига богча ёки кичик мактаб ёшидан хунар ўргатишни истамайди, ахир, халқимизда бола бошдан деган гап бор-ку... Балки Баркамол авлод мактаблари борлигидан кўпчилиكنинг хабари йўқдир, балки ота-оналар вақтини қизганар, эҳтимол, фарзанди хунарманд бўлишини истамас. Аммо “Бир йилгитга қирк хунар оз”, деган нақл ҳам бежиз айтилмаган. Қола-



верса, хунар ўрганиш боланинг ақлий, ахлоқий, жисмоний ривожланишида муҳим омил саналади. Шунингдек, бу мактабларда фақат касб-хунар ўргатадиган эмас, балки болаларнинг кизиқишларига доир ақлини ривожлантирадиган ўнлаб тўғрақлар бор.

“Дўстлик” ордени соҳиби, халқ таълими аълоҳиси Мавлуда Ўразбоева коронавирус касаллиги боис одамлар уйдан чиқолмай ўтирганда ҳам интернет орқали болаларга турли қоғоз чикиндиляри,



эски газета ва дарахт новдаларидан сават, қўғирчоқлар, ўйинчоқлар тўқиб ясаб бўйича ўнлаб тўғрақ машғулотлари ўтказиб, нафақат болалар, балки катталарнинг ҳам эътиборини қозонганди. Шундан сўнг Тошкент шаҳар БАМ директори Тамара Мирсағатова уни тўғрақ раҳбари сифатида мактабга таклиф қилган. Ҳозирга келиб Мавлуда Анваровна шаҳар марказий Баркамол авлод мактабидан ташқари 5-6-та таълим муассасаси ва маҳаллада тўғрақ очиб, олтиши нафардан зиёд болаларга хунар сирларини ўргатмоқда. Олтиши нафар бола – бу катта кўрсаткич. Чунки одатда, хунарлар “устоз – шогирд” анъанаси асосида ўргатилиб, ҳар бир болага алоҳида ёндашилади.

– Мен асли ҳамшира эдим, тиббиёт билим юртини тугатганман, аммо бо-

ларга меҳрим боис, кеч бўлса-да, ўн йилча бурун таълим соҳасига келдим, – дейди Мавлуда опа. – Бу соҳага ўзимнинг тўғрагим билан бирга келдим, десам бўлади. Аввал мактабларда қоғоз ёки дарахт новдаларидан турли нарсалар тўқиб тўғрақи бўлмаган. Бундай тўғрақ биринчи марта шаҳар Баркамол авлод мактабидан очилди, кейин туман, республика семинарларидан маҳорат дарслари ўтдик, тўғрақ раҳбарларини тайёрлаш курслари очдик, бошқа жойларда ҳам газета қийимлари, дарахт новдалари, майда симларни тўқиб, буюм ясаб тўғрақлари ташкид этилди. Ҳозир ўнлаб шундай тўқиб тўғрақлари ишлаб турибди. Асосийси, мутахассис тайёрлаш керак, хомашё етарлича топилади.



Шукур ҚУРБОН

Адиб ва жамият

ВАТАННИ РОЗИ ҚИЛМОҚ

Ўн тўққизинчи аср охири, йигирманчи аср бошларида яшаб ижод қилган жадид боболаримиз яратган илмий ва бадий асарлар ҳақида қанча гапирилса оз. Бунинг учун биргина Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романларини мисол қилиб келтиришни ўзи қифоя бўлса керак. “Ўткан кунлар”нинг “Ёзувчидан” деб номланган асар бисмилласида адиб “янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар бир йўсулда ҳам шу даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз” дейди ва қўшимча қилади:

“Халқимизни шу замоннинг “Тоҳир-Зухра”лари, “Чор дарвеш”лари, “Фарҳод ва Ширин” ва “Баҳромғўр”лари билан танишдиришқа ўзимизда мажбурият ҳис этамиз”. Лекин мавзунини “оёқ қўйилган янги давр”дан эмас, “тарихимизнинг энг қирлиқ, қора кунлари бўлган кейинги хон замонлари”дан белгилайди. Адиб нега шундай йўл тутди? Чунки юртимизни Чоризм босиб олишига, ватанимизнинг мустамлака бўлишига “кўланкаси майдон” хонликлари сабаби эканини ёзувчи чуқур ҳис қилган. Буни адиб романларидаги воқеалар ва қаҳрамонлар тақдирларида кўрсатиб беради. Бинобарин, ёзувчи “Ўткан кунлар” хотимасида Отабекнинг сўнги кунлари ҳақида шундай ёзади: “1277-нчи йилнинг куз кезларида боса керак, Юсуфбек хожи (Кўкон хонларининг бир нечасида амири лашкар лавозимда хизмат қилган, шунингдек, Туркистон вилоятининг ҳокими бўлган) Қаноатшодан бир хат олди. Қаноатшо Авлиё отадан ёзар эди. “Ўғлингиз Отабек

яна бир киши билан бизнинг қўшунда эди. Олмота устидаги ўрус билан тўқунишамизда биринчи сафимизни шу икки йилгит олди ва қаҳрамонона урушиб шаҳид бўлди. Мен ўз қўлим билан иккисини дафн этдим...”

Бир сўз билан айтганда, Абдулла Қодирий юқорида биз номларини тилга олган ҳар икки романи орқали халқимиз тарихидаги хонликлар даврини бамисоли қора курсига ўтказиб, суд қилади. Ҳукм чиқаришни сиз билан бизга – китобхонга қолдиради. Мақсад – юртимизга Чор аскарларининг бостириб келиши-ю, кейинчалик ўша асосда пайдо бўлган шўро ҳукуматининг илдизини, ўк томирини халққа кўрсатиш эди. Романлардаги Отабек, Қумуш, Анвар ва Раънолар тақдирини, шунингдек, улар муҳаббатига алоқадор воқеани кўрсатиб беради. Мақсад – ўқувчига осонроқ сингиши, китоблар кизиқиб ўқилиши учун хизмат қилган десак, кўпчилик хайрон бўлмас керак.



Адабий жараён

Бугунги ўзбек адабиётида атоқли адиб, беназир носир Эркин Аъзамнинг ростлик ва расолик тажассуми бўлмиш асарлари ўзининг мухташам ва муносиб ўрнини ҳақли равишда забт этганига анча бўлганлиги асло муболаға эмас. Замонавий ўзбек насрида мутлақо ва мунтазам ўз услубида қонимлиги, ўзбек тилининг лингвопоэтика, яъни лисоний бадийат бобидаги туганмас имкониятларини синчи тилчи сифатида баралла қўра ва кўрсата билганлиги, айни пайтда бу имкониятлар захирасини бадийат биноси бунёдига тўласича сафарбар қила билиш ҳадисини олганлиги, қаламини ана шу ҳадиснинг ҳадди аълоси йўриғидан юргиза билганлиги ардоқли адибнинг бетакрор ижодига бўлган эътибор ва эҳтиромнинг залворли заминларидир.

ВЕРГУЛ ЗЎРМИ, НУҚТАМИ?

Эркин Аъзамнинг “Ёзувчи” ҳикояси лингвопоэтикасига чизгилар

Алоҳида таъкид ва таҳсин билан айтмоқ жоизки, Эркин Аъзам қаламига мансуб ҳар қандай матнда сўз бутун борлиги, мазмуний-ҳиссий қирралари, шаклу шамойили ва ҳатто сас-садоси билан намоён бўлади, тирик ва теран мантиқ ўзани аро ҳаракатда бўлади, унинг қўлланиши тасвир тиниклиги ва ростлиги учун айни муддао бўлади, ортиқчалик ёки бежоллик деган ноқисликлар бу сўзга батамом бегона бўлади. Эркин Аъзам “бир умр ихлос ва эҳтиром қилиб юрадиган устозига айланган” Асқад Мухторнинг “Тундаликлар” деган сўнги асарига эпиграф қилиб олган Маҳмуд Замахшарийнинг “Ортиқча сўздан тилини тилмаган одамнинг жилови шайтоннинг қўлида” деган ҳикматига қатъий амал қилади. Адабиётимизнинг чинори Асқад Мухторнинг мазкур асарида “Қалам сўзнинг соясини чизади” деган маъзи тўқ гап ҳам бор, бу улкан адибнинг садокатли шогирди Эркин Аъзамнинг қалами сўзнинг нафақат сояси, балки унинг адоқсиз сас-садосини ҳам чиза олишини устоз тасаввур қилганлиги шубҳасиз.

Эркин Аъзамнинг тамоман ўзига хос, бе-

такрор сўз қўллаш маҳорати унинг деярли барча асарларида, хусусан, ҳатто оддий суҳбатларида ҳам гувох бўлиш мумкин. Унинг суҳбатдош саволига берган қуйидаги жавоб матнига эътибор берайлик:

“Битта “секрет”имни айтайми? Мавжуд андозаларни унутиб, сипогарчиликни йиғиштириб, воқеликни, қаҳрамонларининг иложи борича аниқ, ростгўйлик билан тасвирлаб берсангиз, ўзи шундай чиқаради: қулгилироқ, хайратомуз... Бунда ўзингизнинг шахсиятингиз, таъб-дидингиз ҳам муҳим, албатта”.

Табийки, тилимизга тамомила ёт бўлган секрет сўзини ўзбекча матнда қўллашнинг, камида, нодураст эканлигини ҳар ким билади, аммо, таассуфки, аксарият зиёли ёки зиёлинамо кишилар нутқида бу ҳол кузатилади. Ёзувчи нутқида, айниқса, Эркин Аъзам нутқида бундай қўлланиш мантиқ қушқонидан тамоман ташқари, аммо адибнинг бу ўриндаги ўткир кинояси, истехзоси очик-ошқора кўриниб, кесатик-қулгиси баралла эшитилиб турибди ва унинг таъсир қуввати фавқуллоддир.



Шеърлий лаҳза

Ўткир РАҲМАТ

ҚўЛЛАНГ СИЗ
ҲАМ КЎКСИ КҮЁШ
ШУНГА АЙЛАРМИ...

Дунёга жим боқсам агар хайратланиб,
Кўраманки, ким манзил, ким йўл талашар.
Кимнинг дили зимистонга асирланиб,
Кимнинг қалби юракларга нур улашар.

Хайратамиз, хайрат ичра не зотлар ҳам,
Донишлари қўйиб олган ўзича ном.
Ўчиб кетар тарихлардан зўр отлар ҳам,
Сен нур томон бўлгин — ўша томон мудом.

Бу оламни нурга чулғаб, оидинлатган,
Кўкси узра тафт улашган қуёшлар бор.
Ким таллинса, мақсадига албат етган,
Аждодларга муносиб хур издошлар бор...

Қўлланг сиз ҳам кўкси қуёш тутганларни,
Унда сира ҳад билмаган орзулар ҳам.
Қўлланг сиз ҳам сиздан мадад қутганларни,
Эзгуликдан бу дунёда бўлмайсиз кам.

Имкон топиб бир бор ниғох ташласангиз,
Чўғ тушгандай борлигингиз титраб кетар.
Севиб уни меҳр томон бошласангиз,
Митти қалби чараклаган нурлар тутар.

Бир бор боқинг чакнаётган кўзларига,
Юлдуз каби жимирлайди умидворлик.
Сўнгра назар ташланг гулгун юзларига,
Чехрасида зоҳир эрур улғуворлик.

Инсон қалби бамисоли қонотдир,
Сирли дунё каби сира адоғи йўқ.
Қаршингизда тургани бир синаотдир,
Ўқилмаган саҳифасин саноғи йўқ.

Эндигина бу ёш қалбда отмоқда тонг,
Қуёшининг порлашига изн беринг.
Гард инмаган покиза дил йўл топган сўнг,
Офтоб бўлиб ёришганин шунда кўринг.

Кўринг, унда не орзулар ниш отмоқда,
Не ҳаёллар улғаймоқда бахт, омаддан.
Не ниҳти дилда умид уйғотмоқда,
Не амали муҳаббатдан, матонатдан.

Қўлларида тутсангиз бас, нурга бошлаб,
Ва айтсангиз бир хушқалом, бир ширин сўз.
Балки шунда минг-минглаган ой-қуёшлар,
Йўлингизга истаб мудом тутуди кўз.

Қўлларида умид туғин тортиб олманг,
На қаддино на орзуси синмас бўлсин.
Фақатгина юрагига соя солманг,
Қалбдаги қуёш токи сўнмас бўлсин!

Теран томирлар

2023 йилнинг 18-19 июнь кунлари тарихий санага айланди. Икки кун давомида Тошкент шаҳрида Халқаро туркий маданият ташкилоти – ТУРКСОЙнинг 30 йиллик юбилейи тантаналари ўтказилди. Унда туркий тили давлатлардан 150 нафар маданият ва санъат ходими ҳамда нуфузли меҳмонлар қатнашди.

ҚАРДОШЛИК ҚЎРҒОНИ

18 июнь кунин Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон амалий санъат музейида “Турк дунёси” номли расоалар ва хунармандлар кўргазмаси, туркий дунё халқларининг миллий ошхоналарига оид гастронмик намоиш ташкил этилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазири Озодбек Назарбеков, Туркий давлатлар ташкилоти Бош қотиби Кубаничбек Омуралиев, Халқаро туркий маданият ташкилоти – ТУРКСОЙ бош қотиби Султонбой Раев, Озарбайжон Республикаси маданият вазири Одил Каримли, Қозғистон Республикаси маданият ва спорт вазири ўринбосари Нурқисса Дауэшов, Туркия Республикаси маданият ва туризм вазири ўринбосари Набир Алпаслан, Қирғиз Республикаси маданият, ахборот, спорт ва ёшлар сиёсати вазири ўринбосари Қайрат Иманалиев, Туркий тили давлатлар парламент ассамблеяси бош қотиби Меҳмет Сулейман Эр, “Турк хава йўллари” бошқаруви раиси Орхан Бирдал, “TRT AVAZ” канали координатори Седат Сағирқоя қатнашди.



Бошланиши 1-саҳифада

Адибларнинг шўро жамиятига муносабатлари бошқа собиқ иттифокдош республикаларда, асосан, чет элларга бош олиб чиқиб кетиш асносида ёзилди, тўғрироғи, улар шундай йўл туттиди. (Бу ўринда Иван Бунин, Солженицин ва бошқаларнинг номларини эслаб ўтиш мумкин). Бизда эса, жадидлар (янгиловчи ва янгиликчилар) сифатида халқимиз ва миллатимиз учун хизмат қилиш ниятида, камалиш-у отилишдан ҳайикмай, ҳатто Қўқон мухторияти конга ботирилган бўлса ҳам, ўз жонини сақлаш учун ватандан бош олиб кетишмади. Айтадиган гапларини матбуот саҳифаларида

Шукур ҚУРБОН

ВАТАННИ РОЗИ ҚИЛМОҚ

эълон қилди, яъни ижодий жасоратлар кўрсатишди. Жаҳон адабиёти намуналарини она тилимизга ўғитиб, халққа оқшатишди. Янги авлод учун янги дарсликлар ёзишди. Адибларимиз ўтган аср бошларида ёзувчи ва шоирликка муаллимликни ҳам қўшиб фаолият юритишди. Яъни эл-юртни янгиликка бошлашди – халқ тараққиётига хизмат қиладиган нарса бўлса, осмонга чиқиб олиб тушишга ҳам тайёр эди улар.

Жадидлар шахид этилганидан сўнг иктидорли шоир ва ёзувчиларимиз, сал бўлмаса, ёппасига “бахт куйчиси” бўлиб кетай деди. Лекин имони бутун адиблар мустабид давр ноғорасига ўйнамади, бошқа йўл туттиди. Фақат тарихий мавзулардагина қалам тебратди. Масалан, ўтган асрнинг эллигинчи йиллари катагонини бошдан кечирган Мирқарим Осим шундай қилди. Бу жараён адабиётимизга кейинги йилларда ўлмас асарлари билан ҳисса қўшган Мақсуд Шайхзода, Одил Ёқубов, Пиримул Қодиров, Абдулла Орипов, Муҳаммад Али сингари ёзувчиларимиз ижодида ҳам давом этди. Баҳонада, халқимиз

тарихининг ўзига хос манзараси юзга келди.

Адибларнинг баъзилари барибир имкони борича тимсоллар ёрдамида шўро жамияти қонун-қоидалари ва расм-русумларини замонавий асарларида ҳам фожига олди. Эркин Воҳидовнинг “Донишқилоқ латифалари” туркумидаги “Матмусанинг уйланиши” асарини олинг. Унда мустабид даврда расм бўлган “беш йиллик режани уч йилда”, “етти йиллик режани беш йилда” ажариш ҳақидаги кўрсатма акс этганини ўйласан, юқоридаги гап амалга ошган ва собиқ жамият “башараси”, қайсидир маънода, очиб ташланган бўлади. Ахир, Матмусанинг тўққиз ойи тўққиз кунда туғиши лозим бўлган хоти-

нинг “Ўзбегим”и, Абдулла Ориповнинг “Ўзбекистон” асарлари ҳам шу маънода дунёга келди.

Жамиятнинг нобоплигини одамларнинг табиатидаги қу-суур ва камчиликлар орқали кўрсатишда ёзувчилар олдинги сафларда бўлди. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф хазратларининг ибораси билан айтганда, “олдинда чироқ кўтариб борувчилар” бўлди. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг “Оломон”, Ўзбекистон халқ шоири шоир Усмон Азимнинг “Чумоли” каби асарлари бу борада китобхонни мушоҳада юритишга қорлади.

Юртимиз Мустақилликни қўлга киритганидан кейинги даврда ёзувчи ва шоирларимиз

нинг уч ойда кўзи ёриди. Ва, шарманда шармисор қилиниши керак бўлган хотинга, унга қўшиб эри – Матмусога ҳам алоҳида хурмат-эҳтиром кўрсатилади.

Модомики, нобоп жамиятни ошқора фож килиш қийин экан, мустабид даврда эзилган халқимизга маънавий қувват ва далда бериш учун адибларимиз замонни тилга олмасдан, Ватан тўғрисида – Ўзбекистон тўғрисида, унинг шодлик ва қайгулари хусусида ёза бошлашди. Оташин шоир Усмон Носир юракка қарата шундай деди:

**Итоат эт, агар сендан
Ватан рози эмас бўлса,
Ёрил, чакмоққа айлан сен,
Ёрил, майли, тамом ўлсам.**

Шу чоккача Худонинг, ота-онанинг, устознинг розилигини олиш ҳақида ўйлашга ва бунинг уддасидан чиқишга уринишга одатланганмиз. Бу – инсоний бурч. Аммо Ватанни рози қилишни ё ўйлаб кўрганмиз, ё мушоҳада қилмаганмиз. Шоир Усмон Носир эса, бу фикрни юқоридагидек, лўнда қилиб айтди. Устоз Эркин Воҳидов-

олдида жамиятимизнинг ўзига хос манзараларини тўлақонли акс эттириш долзарб вазифа бўлиб турибди. Яхши бир жиҳатни тилга олиб ўтишни истардим: кўпчилик адиблар мустабид замонда “ёзилмай қолган”, халқимиз бошдан кечирган қора қунарнинг, бугунги дорилондон давримизга солиштириш учун, қаламга олиб умрбоқий асарлар яратмоқда. Бу ўринда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Исажон Султоннинг кейинги пайтда қўлма-қўл бўлиб ўқилаётган, жадидлар ҳаёти ва фаолияти, фожеалари тўғрисида ёзилган “Маъсума” романини тилга олишни хоҳлардим.

Шу билан бирга, ҳамкасбларимга (гарчанд ижодкорга нимани ёзиш ва қандай ёзишни ўргатиб бўлмаса ҳам) икки оғиз истагим ва талабларим бор (албатта, улар ўзимга ҳам тегишли): дини Ислому ва унга алоқадор ҳақиқатларни теран англабгина, халқимиз ҳаёти тўғрисида китоб қоралаш керак, акс ҳолда илдири саёз битикларнинг кўпайишига сабабчи бўламиз. Янги Ўзбекистон кишиларининг ёркин образларини яратиш асосий вазифадир.

Миллий ҳунармандчилик

Қуни кеча устозлар, курсдошлар билан Тошкент шаҳридаги Амалий санъат музейида бўлдик. Бу санъат масканидан бир олам завқ ва таассуротлар билан қайтдик.


КАШТАЛАР
ЗАМИРИДАГИ РАМЗЛАР

Ўтмишда урф бўлган, кенг пешайвонли кичик ховлига киришингиз билан сизни тарихий муҳит ўз бағрига олади. Ҳовли ўртасидаги тапчан кишлоқдаги уйимизни эслади. Ёз ойлари кеч кириши билан шунақа тапчанда ўтирардик юлдузларни санаб, чигирткалар овозини эшитиб ётиш ҳаммасидан завқли эди... Хуллас, музейни томоша қилишни бошладик. Менга ўхшаб ҳовли четидеги тутта осилган миллий либосларни кийиб кўришга шошилаётган курсдошларим қанча? Ўртада устозимиз ҳалак. Музей анча гавжум экан. Ҳар қадамда битта сайёҳ, битта хорижлик меҳмон.

Биринчи бўлимга киришим билан сайёҳларни ўзига бунчалик махлиё қилаётган жиҳат нимада экан, деб ўйлаб қолдим. Каштачилик бўлимига ўтишимиз билан бу сирнинг тағига етгандек бўлдим. Деворларга осилган ҳар бир кашта, йўлбошловчи опанинг айтишича, қадимги момола-

римиз тиккан сепликлар экан. Яъни ҳар бир киз болагиданок то бўйга етгунча кашта, қурок, сўзана тикиб, сепларини ўзлари тўлдираркан. Бир томондан уларга раҳим келса, бир жиҳатдан ҳавасим ҳам келди. Чунки бундай мураккаб, майда ишни санъат даражасида тикишга ҳозирги кизларнинг сабри етмаса керак. Кашталар замирига яширинган сирлар рамзларда ифодаланган. Масалан, анор муҳаббат, оила рамзи бўлса, қалампирмунчок бало-қазолардан асраш рамзи сифатида тикилган.

Тўқимачилик бўлимига ўтганимизда кизик воқеа содир бўлди. Залда ҳар бир вилоятга тегишли сўзана ва гиламлар илинган экан. Шунда ҳамма ўз вилоятининг ҳунармандчилик ишларини томоша қила бошлади. Мен ҳам Шаҳрисабз сўзаналарини томоша қила туриб бундай бежиримлик, ранглар уйғунлиги қатта машаққат ва сабрни талаб қилганини англадим. Ох, онамининг супра қокди,



қомати тик жун гиламлари... Момонининг урчуғида таноби тортилган жун ипларнинг камалак қозонда чўмилишидан тортиб, дорга осилгунга қадар сабрингиз қосаси тўлиб қолмаса бўлди. Кейин биз чиллак қилиб ўйнайдиган таёқларни онам атай олиб қўйиб, камон ва қиличлар ясарди. Қуёш меҳридан баҳраманд бўлган ипларни узун дастгоҳга солиб тўкиб кетаверарди. Аслида, гилам, сўзана тўкиш бир баҳона, аёллар бу ҳунарлари ордидан ўзаро дардлашиб, олишган. Чунки бир жуфт гиламни тўкиш учун бир маҳалла аёллари ёрдамга келган. Турмуш қураётган ёшларга алвон гиламлардек ёркин, мустаҳкам, гўзал ҳаёт хамроҳ бўлсин, деб дуолар қилишган. Тонгача айтиладиган ўлану лапарларнинг гаштини айтмайсизми...

Йўл бошловчи опанинг айтишича, ушбу музейдан энг яхши усталарнинг етти мингдан ортиқ заргарлик, дўппидўзлик, сополчилик, миллий кийимлар, миниатюралар, чинни буюмлар, мусиқа асбоблари ва бошқа ҳунармандчилик ишлари ўрин олган экан. Мени ҳаммасидан хайратлангирани ранго-ранг пештоқлар, салобатли устунлардаги ёғоч ўймакорлиги ишлари бўлди. Энг ажойиб, бундай бўртма, нақшинкор пештоқлар бизнинг Шаҳрисабз томонларда хали-хануз сақланиб қолган. Демак, бизнинг боболаримиз чин санъат шайдолари бўлишган, йўқса, бунчалик дид, гўзалликка қизиқиш қаёқда дейсиз?!

Машхура АБДУРАИМОВА,
талаба

Бошланиши 1-саҳифада

Тўғарак машғулотида зарур бўладиган хом ашё арзон. Текничилиги хайратда қолдирди. Шу туфайли ҳам қутилмаган яхши натижаларга эришиш мумкин экан. Аввало, болаларнинг ҳунар ўргангани қолди.

– Тўқиш аслида қадимий ҳунар, аммо ҳозир қайта туғилди, деб айтиш мумкин, яъни қадим ҳунар асосида замонавий тўғарак ташкил топди! – деди Мавлуда Анваровна – Новдалардан ота-боболар сават, чавли сингари буюмлари ясаган бўлса, ҳозир болалар уй-рўзғор жиҳозларига таъйёрлашпти. Ҳатто уларни сотиб, фойда кўриш мумкин. Асосийси, бу тўғаракда болалар ақлан ривожланади, ижодкорлик кўникмасини эгаллайди, тасаввурини бойтади.

– Мавлуда Анваровна бу соҳада етакчи, яна бир томони, у асосан ногирон болаларни тарбиялайди. Бу ҳам эътиборга сазовор савоб иш. Қолаверса, уларга ҳомийлик қилади, – деди суҳбатимизга қўшилган Тамара Муҳаммадовна.

– Шогирдларим оддий ўйинчоқлардан тортиб уй жиҳозлари – ўтиргич, стол-стул, ошхона жиҳозларига таъйёрлашпти. Бу ҳақиқатимизни давом эттирди Мавлуда Анваровна. – Масалан, ўқиб бўлинган газетани қирқиб, ундан найча ёки таёқчалар тайёрлаб оламиз, булар буюм ясаш учун тайёр материал бўлади. Яъни ҳеч нарсадан бир нарсга яратилади! Биз тўғаракда кўпроқ совғалар тайёрлар эдик, уларни асосан хорижлик меҳмонлар харид қилишди. Чунки хорижликлар қўл ишини жуда қадрлашди. Болалар билан тайёрлаган буюмларимиз хорижда, кўпроқ Санкт-Петербургдаги махсус дўконларда сотилади. Тошкентда “Парус” номи дўконини содибор. Аммо биз учун махсуслотимизни сотиб пул топши иккинчи навбатдаги масала. Асосий максимиз – болаларга, айниқса, кам таъминланган оила фарзандлари ва ногирон болаларга ҳунар ўргатиш. Мен кўпроқ ногирон болалар билан ишлайман. Шаҳардаги Хлебущкина номидаги 22- ва 30-“Меҳрибонлик” уйларидаги, 100-, 102-, 106-ногирон болалар махсус мактаб-интер-



– Мен уч тоифа болалар билан ишлайман: биринчиси, республиканинг турли вилоятларидан келган ногирон болалар, иккинчиси, ота-онасиз болалар, учинчиси, соғлом, ҳеч қандай камчилиги бўлмаган болалар, – дея сўзига давом этди Мавлуда Анваровна. – Уларни ўзимча такқослаганимда ногирон болалар тиришқоқдек кўринади: қизиқувчан ва интилувчан. Ҳатто уларнинг орасида дардли шеърлар ёзиб, китоблари нашр қилинган қизчамиз ҳам бор. Уларни “Меҳрибонлик” уйидаги болаларга ибрат қилиб кўрсатаман. Шаҳардаги 100-мактаб-интернатда тарбияланаётган Алижон Неков, Нўрбек Абдухалилов, Мухайё Абдусаматова, Ҳилола Рустамова, Оятилло Зоиров, Ирода Ҳазова сингари шогирдларим эришган ютуқлардан қув-

наман. Бошқа таълим муассасаларида ҳам шундай моҳир болаларим бор.

Бола буюмини ўзи қандай тасаввур қилса шундай ясайди, бизга қийинчилик ясалгандек кўриниши мумкин, аммо ўзи учун тўғри. Шунингдек, рангги ҳам ўзи танлашни ўрганади. Мухими, бола бу жараёнда мустақил фикрлайди, биз эса, болалар тўқишни ўрганиб олгунча уларнинг ишига фаол аралашамиз. Дастлаб кизлар кўпроқ кўғирчоқ, уй-рўзғор буюмларини, ўғил болалар автомобил, трактор,

бияланувчилари ҳам тоғдаги болалар оромгоҳларида дам олишяпти. Ҳафтада икки кун Оқтошга бориб, тўғарак машғулотида утиб келяман. Улар мени соғиниб қуттишади. Бу ногирон болалар хали кичик, ҳаёт машаққатини хали билмайди, вояга етгач, ўзларини қучлари билан таъминлай олиши керак. Акс ҳолда, турмушда қийинчиликка дуч келса, ўз тақдирдан нолиш ҳисси қийнайди. Улар бировнинг қўлига қараб қолмаслигини истардим. Бу борада энг тўғри йўл

МЕҲР СЕҲРИ



танк каби турли ўйинчоқ ясашади. Уларни бола ўзи тасаввур қилгандай яратади. Кейинчалик, маҳорати ошгач, мебеллар, кимматбаҳо совғалар ясаш кўникмасини эгаллайди. Аслида ҳам шу, ҳунарни тўқиб ўрганиб олган бола келгусида, бемалол бир оилани тебратгади, деб ўйлайман. Пойтахтдаги “Чинор” мебель фабрикасига ҳунармандлар тайёрлаб бериш бўйича ўзаро ҳамкорлик ўрнатганмиз. Тўғаракда тўқиш ҳунарини муқаммал эгаллаган ногирон болалар фабрикага имтиёзли равишда ишга қабул қилинади, қўрлаб-қувватланади.

Ҳозир ёзги мавсумда мактаб-интернатлар, “Меҳрибонлик” уйи тар-



– уларга билим, ҳунар ўргатиш. Ягона чора шу. Ногирон бўлса ҳам ўз ҳунари билан эътибор қозонса, бундан ўзи гурурланса, дейимиз. Бошқалар унга моҳир ҳунармандлиги, билимдонлиги боис ҳа-

вас билан қарашса – қандай яхши! Ногирон болалар жасмонан чекланган, уларни яна чекламаслик керак, аксинча, уларга барча шарт-шароитларни яратиш, кўпроқ ҳунар ўргатиш – ягона мақсадим.

Мавлуда Анваровнанинг ҳаракатчанлиги, шу ёшида ҳам ғайрати жўшиб, тиниб-тинчимаслиги кишини хайратга солади. Республикада ҳунармандлик соҳасида ўтказилган барча кўргазмалардаги иштироки, халқаро танловларда эришган ютуқлари алоҳида мавзу. У Қўқон, Самарқанд, Бухоро, Хива сингари тарихий шаҳарларда ўтказилган халқаро тадбирларда фаол қатнашган, Туркия, Россиянинг турли шаҳарларига бориб, шу оддийгина тўқиш ҳунари боис ҳамкорлар орттирган. Соҳадаги янгиликларни мунтазам ўзлаштириб бориш эса, тўғарак фаолиятига ижобий таъсир қилади, ўзаро тажриба алмашилади.

Унинг арзимасдек туюлган чиқиндилардан фойдаланиб (йўқдан бор қилиш ҳунари деса ҳам бўлади) буюмлар ясаши, бу ҳунарини ногирон болаларга ўргатиши, ўз маҳоратини ошириш учун тинимсиз излашни, кўп йиллар давомида тўплаган билим-қўникмаларни болаларга сингдириши, ўзи ҳунар ўргатган болаларнинг ишга жойлашга қўмақлашиши – чинакам фидойилиги кишини хайратга солади. Бу фидойилик замирида эса, шубҳасиз, болаларни севиш, ардоқлаш, уларга ўзида бор бойлигини – ҳунарини, бутун ҳаётини бағишлашдек эзгу туйғу, олижаноб мақсад мужассамлиги сир эмас.

Мамлакатимизда болаларнинг қизиқишлари учун қурилган юзлаб спорт саройлари, техник, сайёҳлик, ўлкашунослик, табиатушнослик, мусиқа, санъат сингари ўнлаб йўналишлардаги муассасалар, тўғараклар фаолият юритмоқда, уларда миллионлаб болалар қизиқишларига кўра тўғаракларга жалб этилган. Уларни қўриб, тўғараклар қанчалик турли-туман бўлмасин, барчасининг негизиде ягона – болага меҳр туйғуси муҳим эканига амин бўлдик.

Ҳумоюн АКБАРОВ

Отабек ИСМОИЛОВ



ЧАМАНЗОРИМ

Заминни қилгани каби шуъладор, Шу сирли фалакнинг куёш, мохтоби, Халқим манглайини ёритди илк бор, Аллоҳ инояти – эркнинг офтоби.

Она юрт – мисоли улкан бир чинор, Жону дилдан унга пайванд эрурман. Бутун ер юзида машхур, бетакрор, Шу қадим диёрға фарзанд эрурман.

Зиёрат қилсангиз қадамжоларин, Тарқатар дилингиз губорларини. Ишонинг, кўксингиз бўлгайдир осмон, Кўриб гумбазлару минорларини.

Сақла, Парвардигор, чаманзоримни, Буюкликка бошла, эй, эзгу ният. Аллоҳ омон этгин дўсту ёримни, Дилларни тарқ этма меҳру мурувват!

Арон ТАМАШИ, мижоз адиби



Хунгарларнинг секей қавми яшайдиган кичкина бир шаҳарча. Қишлоғимиздан унчалик узок бўлмаган бу манзилдаги гимназияга саккиз йил ўқишга катнадим. Аниқ ҳисоб-китобга кўра, ораликдаги масофа ўн икки километр эди. Тўғриси айтганда, айниқса, рождество ва пасха байрамлари кунлари бу йўл менга жуда олис туюлиб кетар эди. Одатда бу кунлари бизга таътил берилар, мен эса гимназиядан уйимизга пиёда бориб келишдан бошқа иложим йўқ эди. Рождествода бўрилар изғийдиган қалин қорларга ботиб, пасхада эса, балчиғу лой кечиб, йўл азобини тортардим.

Эзда бериладиган катта таътилларида эса, уйдагилар келиб аравада олиб кетишарди.

Тез орада барча сайру сەҳнатларим, беғам ва беташвиш кунларини унуттишимга тўғри келди, чунки уйимизда қалашиб ётган рўзгор ишлари мени сабрсизлик билан кутар эди. Шундай ишларимки, гўё киш бўйи умуман билми олмасдан, фақат хўжалик ишларини бажаришгагина тайёрланганман, ҳолос.

Ишдан бўйин товламасдим, аммо қачонлардир бу ақли бош елиб-югуриб, қора меҳнат қилаётган оёқ-қўллардан кўра устун бўлишига ишонардим. Энди тўртинчи синфга ўтаман деб турганимда тўсатдан барча умидларим бирагўла пучга чиқди. Ахир, эзда биринчи катта уруш бошланиб қолди, натижада елкамга шунчалар кўп иш юкландики, уни тасаввур қилиш амри маҳол. Дам олмасдан, тинимсиз меҳнат қилар эдим. Чунки ўттиз икки ёшгача бўлган барча эр-қакларни урушга олиб кетишди, фақат бизга ўхшаган болалар ва қари-қартагларгина уйда қолди.

Шундай қилиб, ўн беш ёшимда қўлимга ўроқ олиб, белларим толиб ўт ўришга тушдим. Тез орада эпчилгина ўроқчи бўлиб қолдим. Менинг оёқ-қўлим чакконлигини кўриб билган кишлоқдошлар ёз ўртасида турнақатор бўлиб эшигимизга тизилиб келишар, қариндошларимиз Худонинг зорини қилиб, мендан ўт ўришда ёрдам сўрашар, бегоналар эса, анча-мунча пул билан кўндирмоқчи бўлиб, холи-жонимга қўйишмас эди. Мен уларнинг ўтинларини индамай тинглар, аммо “ха” ёки “йўқ” деб жавоб беришга шо-

Хоразм!
Муқаддас, табаррук замин,
Не-не кўргилигу шарафлар кўрган.
Унга сингимокни, унга сингимокни,
Зиёратга келган дарёдан ўрган.

Аму бўйига бор, киргоғида чоп,
Юрагинг бир ажиб тарзда тепади.
Шу замин фарзанди бўлганинг учун,
Дарё оёқларинг ўпади.

Мактубингни олдим.
Бирок,
Конвертни
Йиртмасдан очмоққа
топмадим имкон.
Таажжуб!
Недандир сирларингни у,
Лабин қаттиқ жипслаб,
Сақламыш пинҳон.
Билдим.
Балки уни бекитаётми,
Тилинг билан аста
Намлабсан чоғи.
Ё шакар, ё асал
Тегмаган бўлса,
Бу қадар ёпишмас эди
Дудоғи.

БЎЛМАС

Юз зог бирлашиб
Хониш айласа,
Ягона булбули –

Гўёча бўлмас.
Минг шам жамланиб
Ёниш айласа,
Куёш лахза сочган
Зиёча бўлмас.

Гувоҳмиз, ўтдилар
Не-не хақамлар,
Суриб давру даврон,
Сўнг кўзда намлар.
Кошонлар ичра
Ял-ял гиламлар,
Меҳнат билан келган
Бўреча бўлмас.

Гар дилга чўғ ташлар
Ул мохитоблар.
На қалбда ҳаловат,
На кўзда хоблар.
Ишқда Фарҳод, Мажнун
Тортган азоблар,
Мен чеккан дардларга
Дебоча бўлмас.

Агар дилда севги
Чинакам бўлса,
Етар бардош ёрдан
Не ситам бўлса.
Дунё гўзаллари
Жамул-жам бўлса,
Кўнглинг олган ўшал
Раноча бўлмас.

Шодон кунларимда
Эслайман сени,

Қисиниб кетаман
Ўшанда эркам.
Минг афсус, шундай чок
Бирга эмасан,
Афсус, шодликларим
Кўрмасан баҳам.

Ғамгин кунларимда
Эслайман сени,
Севинч тўлар дилга,
Рух тортар тетик.
Боиси ёнимда
Йўқдирсан, ахир,
Минг шукр, ғамингга
Эмассан шерик.

Тонг чоғи,
Лахзалик пок маржон бўлиб,
Япроқлар қағида тизилмиш томчи.
Гоҳи севинч ёши, гоҳи ғам ёши,
Киприк орасидан узилмиш томчи.
Баъзан,
Кўк бағридан шитоб-ла келиб,
Ернинг сийнасига урилиб боши
Қирларда бугдойзор
бор қилган томчи.

Бир пайтлар юрт эрки,
Ўз элини деб,
Барханлар бағрида ёвни қувлаган
Ташналаб кўшинини
зор қилган томчи.
Маъшум кун фронтдан қора хаг олган
Она яноғида кезган томчи у.
Оталик бахтига илк бор мушарраф,
Йигит кўзларида сузган томчи у.

Томчилар!
Майлига бўлингиз шабнам,
Самодан тўқилинг, майли, эрга-кеч.
Гоҳида севинчдан кўзда бўлинг нам,
Ғам ёши бўлсангиз розимасман ҳеч.

Узоқдаги ёрга, эй шамол,
Саломим элт, дедим ёлбориб.
Эшик ёпиб жўнади дарҳол,
Оёғини қўлига олиб.

Эҳ, мен унга ишондим, бироқ,
Саломимни элтмайин туриб,
Кўрдим, юрар далада шу чок,
Отам билан хирмон совуриб.

ДАНАК

Метин ерни ёриб
Чикдиму лекин,
Бўй чўза олмадим кўкка
Ошналар.
Дарахт бўлардим,
Мева тугардим,
Қаттиқ топтамаса балки,
Пошналар.

АФСУС

Бу қадим дунёда мўъжиза-ку мўл,
Шартмас ёқа ушлаш хар гал, албатта.
Тош устида бир гул унганинг кўриб
Тан олай, очиги, қолдим хайратда.
Бунга сабаб балки гулнинг сабридир,
Ва лекин демоқчи бўлганим бошқа...

Кўп тахсинлар айтдим,
тарқ этиб ғурур
Митти уруғга жон бахш этган тошга.

...Қайтмагани каби меҳрга меҳр,
Бўлмагани каби саломга алик.
Томир отолмади севгим дилингда,
Юрагинг йўқ экан битта тошчалик.

ТЎРТЛИКЛАР

Боғлари файзлидир гули очикнинг,
Олган дуоси бор йўли очикнинг.
Хазинасин сирин сўраманг Ўзи
Давлатин тоширар йўли очикнинг.

Шеърлар руҳиятим суратларидир,
Бизлар-ку ўтармиз, шеърлар қолади.
Бир куни термулиб қай бир қорақўз,
Менинг юрагимни ёдга олади.

Еру осмон сир-синоат, сир излама,
Айбу хато бўлмаган бир ер излама
Зуваламни асли ўзи лойдан билсанг,
Тирноғимнинг остидан,
кўй, кир излама.

Ишқ завқини ишққа фидо билади,
Ҳижрон дардин ёрдан жудо билади.
Ёр деб не азоблар чекканларимни
Бир ўзим биламан, бир Худо билади.

Янги таржималар

– Ҳар замон-ҳар замонда бир-икки мисра шеър ўқийди-ю, бирданига қулиб юборди. Мен эса унинг ким эканини билиб, яхшилаб кўриб қолиш ниятида унга киприк қокмай боқаман. Кўзларимга ишонмайман, наҳотки тирик шоирни кўриб турган бўлсам. Ҳа, у шундоқ ёнгинамда эди. Мана, қари нок дарахти танасига елкасини суяб ўтирибди. Сумкасининг устига қоғоз қўйиб, нималарнидир тез-тез ёзади, яна бирданига ўйланиб қолади, кўзларида ўт ёнади. У қари нок дарахтига суяниб ўтирган пайда ногаҳон рўпарасидидаги теракка кўнган қандайдир қуш сайрайи бошлади. Қуш шундай ёқимли қўйлардики, гўё бу дунёнинг барча ғамларини олиб, навога қўшиб осмону фалакларга учириб кетарди. Бу қушнинг сайрашини ҳаммаимиз берилиб тинглардик. Шоир бетакрор оҳангга афсунлангандек илкис ўрнидан турди-ю, олдинга бир-икки қадам босиб, терак томонга хайратланиб қараб қолди. Биз ҳам бу гаройиб қушнинг томоша қилиш учун шоирга яқинроқ бордик. Теракка қўниб сайраётган қушни ўз кўзимиз билан кўрганимизда хайратимиз янада кучайиб, оғзимиз ланг очилиб қолди. Чунки бу ажойиб қушнинг бўйин-тўши кизил, канотлари оқ, оёқлари эса яшил эди. Шоир мўъжизавий қушга ниҳоятда хайратланиб қараб туриб, бирданига: “Бу бизнинг овозлигимиз қуши!” дея наъра тортиб юборди.

Бобо бирпас сукут сақлаб жим бўлиб қолди. Сўнг яна ҳикоясини давом эттирди:

– “Бу – овозлик қуши!” деб хайқириб айтганидан кейин шоир шошилмасдан теракка яқинлашди, мўъжизавий қушни тутиш учун дарахт танасига тирмашиб, тепага чиқа бошлади. Шоир тобора баландроқ, янада баландроқ кўтариларди. Душман айғоқчилари уни кўриб қолган бўлса керак, чунки ёвнинг бутун армияси кўзга кўриб, устимизга бостириб кела бошлади. Шунда биз хавфсизроқ жойга чекинишга буйруқ олдик. Кимдир шоирга душман хужумга ўтди, қоч, деб қичқирди. Шоир эса, ўша душманнинг башарасига тупурдим, деди парво қилмай.

Бу воқеани айтиб бўлгач, қартайиб қолган Лёриңц бобо ётган жойидан туриб ўтирди. Бир неча лахза кўзларимга тикилиб қолди.

– Ундан кейин Шандор Петёфига нима бўлди? – деб сўрадим.

– Менингда, у ўша теракнинг устидан учиб кетди.

Шу пайт тепадан тарс этиб эман ёнғоғи тушди-ю, ер сатҳида нукта бўлди.

Рус тилидан Рустам МУСУРМОН таржимаси.

¹ 1849 йилги Мажористон инқилоби назарда тутилган.
² Юзеф Бем (1794 – 1850) – поляк ҳарбий сийёси арбоб.
1848 – 1849 йиллар Мажористон инқилоби даврида мижоз қўшиқлари кўмондони бўлган. Шандор Петёфни унинг армиясида хизмат қилган.
³ Шегешвар остонасидаги Фейерёҳзаза қишлоғидаги жанг майдонида Шандор Петёфни ҳалок бўлган.
⁴ Венгрия Республикаси байроғининг рангларига ишора – байроқнинг тепаси қизил, ўртаси оқ, пастки яшил ранглардан иборат. (Таржимон изоҳи.)

шилмас эдим – улар кўпроқ кутгани маъкул, ўшанда менинг қадрим янада ошади.

– Ўғлим, балки ўроққа ёрдамлашарсан-а? – дер эди онам сукут сақлашимга чидаб туролмасдан.

– Вақтим йўқ, умуман қўлим тегмайди! – дердим хуноб бўлиб.

Аммо кўпни кўрган қария Лёриңц Хаднад бобонинг юзидан таралган нур ҳамманинг кўнглини ёритиб юборарди. Унинг хикоялари эса менинг тасаввурларимни бойитиб, хаёлимни осмону фалакка олиб чиқарди. У нима ҳақида гапирмасин, бўлган воқеани шунчаки айтиб бермас, таъсирчан сўзларидан очилган гуллар яшнаб, хушбўй ифोर таратар, гурунларидан ёнган гулхан олов тиллар билан жонингни иситар эди.

У ўтган-кетган воқеаларни жонлантириб, чинакам ҳаётга айлангирар эди. Бобонинг сўзларидаги сеҳр мени мафтун этганди. Шунинг учун у билан бирга ўт ўришга икки оёғимни қўлимга олиб югурардим. Бобо билан бирга кечган кунларни худди шеър маржонларини хотирам ипига тартиб билан тизгандек ёдлаб олганман. Айниқса, бир кун алоҳида ажралиб туради.

Кун тушга яқинлашиб қолганди. Эрта тонгданок ўт ўришга тушгандик. Ўтлоқни шудринг босган. Атрофда турфа товчулар эшитилади – ҳамма қулар эди. Қушларнинг чуғур-чуғури, чалғининг “шир-шир” ўт ўраётгани... Кун кўтарилди, шудринг қуриганда эса, пириллаб учаётган капалақлар орасида ўт ўрдик. Бобонинг ўрнига аҳён-аҳёнда қандайдир қари қалхат кичкириб қолар, менинг ўрнимга эса икки дарахт ўртасида кўприк солаётган кизилиштоннинг сайроғи янгради.

Айни туш палласи Лёриңц бобо осмондаги кўёшга қараб бош чайқади:
– Кунга қара, осмоннинг тос тепасини ёндирди-я!

У нигоҳлари билан шоҳлари кенг қулоч ёйган бир эман дарахтини кўзлади, биз тушлик қилиш учун унинг сояси томон юрдик. Тугунимизни очиб, овқатланаётганимизда фақат қалхатлар ва майда-чуйда қушлар бир-бири билан ўзаро гурунлашиб туришди. Қорни тўйгач, Лёриңц бобо ҳам тилга кириб, гап қўшди:

– Хўш, мактабни битирганингдан сўнг нима қилмоқчисан? – деб сўради у.

– Эҳ-хей, ўқишим қачон тугайди-ю, мактабни қачон битираман?... – деб жавоб бердим.

– Қачон-қачон деявермай, ўқиш учун пул тўлагандан кейин, олдиндан ким бўлишни ният қилиб қўйиш зарур, – деб бобо ўз гапидан қайтмасдан кўзларимга синовчан тикилди.

Сершоҳ эманнинг салқин соясида бошимни қашиб, анча ўйланиб қолдим. Миямга бирон жўяли фикр келавермагач, охири савол бердим:

– Сиз нима деб ўйлайсиз, Лёриңц бобо, ким бўлсам экан?

– Ботир ва тўғри одам бўлишинг керак! – деди бобо.

Унинг гапи тасаввуримда умумий тушунча ҳосил қилган бўлса ҳам, ботир ва тўғри одам бўлиш менга ёқди. Аммо осмондаги

булутларни кўзинг билан ушлаб қолишга қанчалик уринма, улар тутқич бермай сузиб кетаверди. Мен қариянинг сўзларига шу-урим билан қанчалар ёпишмайин, улар маъносини англамас, тўхтамасдан булутлардек қочаверар – кун нурига аралашиб, осмонларга сингиб кетаверарди.

– Хўп, бобо, қандай одам ботир бўлади? – Ёмон кунда ҳам, яхши кунда ҳам одамгарчилиқни йўқотмаган киши ботир бўлади.

– Тўғри одам-чи, қандай бўлади? – Бутун ҳаёти давомида умрининг сўнги соатида яшагандек яшаган одам!

Бундай хикматли сўзларни эшитиб, ушбу икки хислатнинг адолатли эканини ақлим билан англадим, чиройли эканини юрагим билан ҳис этдим.

Кимларни ботир ва тўғри одам деб ҳисоблаш мумкинлигини ёдимга муҳрлаб олдим-да, яна савол бердим:

– Айтинг-чи, қандай касбни танлаганим маъкул?

ОЗОДЛИК ҚУШИ

– Нима десам экан, – деди Лёриңц бобо мийғида қулиб. – Ёшларга маслаҳат бериш – нозик масала, очигини айтганда, пул топиш учун қандайдир бир ишнинг бошини тутиш зарур, бу борада сенга муҳим гапларни тайинлаб қўйишни истамайман. Рухоний бўлишингни маслаҳат бермайман, гарчи кўпчилик улар бошқа бандалардан кўра аниқ жаннатга тушади, деб ўйласа ҳам. Гарчи бизнинг дардимизга малҳам қўйса ҳам, шифокор бўлишингни истамайман. Гарчи адолатни ҳал қилса ҳам, қози бўлишингга рози эмасман. Бир сўз билан айтганда, бир пайтнинг ўзида ҳам руҳоний, ҳам шифокор, ҳам қози бўла оладиган одам бўл! Шоир бўл!

Бобо бу сўзларни айтганда тўлқинланганимдан ўрнимдан сакраб туриб кетдим. Шундай хаяжонландим, шундай ўт-олов бўлиб ёндим, илгари кимдир оддий кишлоқ боласига шоир бўлишни маслаҳат берганини умуман эшитмаган эдим-да.

– Қандай шоир бўлиш керак? – деб сўрадим.

– Шандор Петёфидай!

У шоирнинг номи шундай оҳангда айтдики, гўё ҳақиқатан ҳам Шандор Петёфини жуда яхши биладигандек эди. Гўё уни кўрган, у билан гаплашгандек, иккалови ҳозир мен билан ёна-ён туриб, шудринг хўл қилган хушбўй пичан ўргандан ҳам кўра кўпроқ пичан ўргандек эди. Кўзларимни катта-катта очиб, сўрадим:

– Сиз у билан таниш эдингизми, наҳотки?

– Ҳа, таниш эдим!

Мен унга бир неча сония хангу манг бўлиб термулиб қолдим. Кишлоғимиздагиларнинг ҳаммасини яхши билар эдим, лекин

Лёриңц Хаднад бобонинг Шандор Петёфи билан таниш эканини эшитмаган эканман. Ниҳоятда хайрон бўлдим.

– Сиз уни кўрганмисиз?

Бобо нигоҳларини кенгликларга қадаб, худди олис-олисларда яшаётган одамдек чуқур уф торғди. У манзил шу қадар олис эдики, у ерда воқелик билан хаёлот бир-бири билан яхлит бўлиб, қўшилиб кетгандек эди. Сўнгра у ўрилган пичан уюми ёнида икки қўлни боши остига қўйганча, осмонга қараб ётиб олди. Кўзлари билан эман дарахти барглари орасидан нималарнидир излагандек хикоя қила бошлади.

– Она Ватанимизнинг кўзига ёш тўлган қирқ тўққизинчи йил! да аскар бўлиш учун уйдан қочиб кўчдим. Ёз авжига чиққан; халқ кўзига қон тўлган эди; тоғлар ва водийлар аро кўнимсиз шамолдек кўшиқ кезар эди.

– Ўшанда неча ёшга киргандингиз? – деб сўрадим.

Аммо шу топда ноўрин савол бериб, бобонинг сўзини бўлганим учун афсусландим. У менга ялт этиб қаради-да, туғилганлик

ҳақидаги гувоҳномамни уйда унутиб қолдирган эдим, дегандек гинадор тўнгиллаб қўйди.

– Хўш, кейин нима бўлди? – дедим кизиқиман қучайиб.

– Шундан сўнг йўлимда дуч келган одамлардан эринмасдан сўраб чиқдим. Охири генерал Бем’нинг армияси Шегешвар худудига жойлашганини билиб олдим. Жанг майдонига етиб борганимда мени мовий кўзди генерал хузурига олиб киришди. Қўмондон шу заҳоти мен қаерни истасам, ўша ерда жанг қилишим ҳақида буйруқ берди. Мен эса энг илғор сафда жанг қилишга хумор эдим, ўзимга ўхшаган кўнғиллилар билан фронтнинг олдинги чизинга қараб югурдим. Шундай қилиб нақд Фейерёҳзаза³ чегарасига етиб бордик. Мижоз қўшинларининг илғор қисми чегарадаги йўлни кесиб ўтган эди. Мен борган жой бир тепалик эди, атрофи текис далалар, экинзорлар. Ўша тепаликдаги аскарлар қароргоҳига қўшилдим. Офицерлар ҳам, аскарлар ҳам – ҳамма бир жойга беркиниб олган. Шу яқин орада юрган душман сезиб қолмаслиги учун баланд овозда сўзлашиб мумкин эмасди. Маккажў-хоризор, баланд поялар орқасига яшириниб олиб, жим ўтирардик. Орамизда фақат бир киши сира тиниб-тинчимас, бу ёқдан у ёққа елиб югураверар эди. Ниҳоят, у отдан тушди, жилловни дарахт бутасига маҳкамроқ боғлади. Тўрик от эди. Негадир харбий либос киймагани, масалан, хатто қиличи ҳам йўқ эди. Бир қараганимдаёқ сездим – нақд шамолда яшнаб турган тошқўмир чўғи эди-я...

Юрагим шув этиб кетди.

– У Шандор Петёфи эди, шундайми?

Лёриңц бобо саволимга парво қилмади, аммо у сўз мўъжизаси билан кўз ўнгимда жонли ҳаётни ярата бошлади.

Бошланиши 1-саҳифада

Эркин Аъзамнинг, айниқса, бадий асарларида ўзбек тили адибнинг беҳад инжа ва расо лисоний-бадий сезимлари боис ўзининг беадок ва сиру синоатта лиммо-лим лингвопоэтик имкониятларини ҳеч бир мажбурловсиз бор бўйича намоён қилади. Бунга ҳассос носирнинг ҳар бир асарига, хусусан, биргина “Эзувчи” ҳикоясида ҳам гувоҳ бўлиш ва ундаги фавқулодда лингвопоэтик топилмаларнинг мазмуний-хиссий заммаларига, турфа бадий-эстетик мақсадлар билан юқунишига тасанно айтмасликнинг иложи йўқ.

Ҳикоя шундай бошланади: “У ўрта-миёнага эзувчи эди. Бу энди ҳар балони ўқийвериш осмонга сапчидиган бўлиб қолган бизга ўхшаш “доно”ларнинг фикри”. Парчада *доно* сўзи асл маъносига нисбатан зид маънода, яъни “нодон” деган маънода намоён бўлган (мазкур сўздаги қўштирноқ шунга хизмат қилган) ва айни пайтда ҳикоячининг ўзига қаратилган киноя, истехзо таъкидига эга. Бу поэтик таъкид *ҳар балони ўқийвериш* тарзидаги қочиримли ифодага ва *осмонга сапчидиган бўлиб қолган* иборасига кўра янада кабарик ифодаланган.

Муаллиф ҳикоя қаҳрамонини таништиришда давом этади: “Аммо, ўринсиз андишани четга қўйиб гапирганда, у майдонда от суриб юрган донгдор отахону аяхонларнинг кўпчилигига нисбатан асл адабиётга яқинроқ, ҳатто унинг гди фуқароси эди. Дарвоқе, фуқаросигина эмас, жафокаш мардикори ҳам эди...” Асл адабиётнинг “*содиқ фуқаросигина эмас, жафокаш мардикори ҳам эди*” ифодасида ҳам киноя, истехзо таъкиди мавжуд. Бунинг устига, “адабиётнинг содиқ фуқароси” ва “адабиётнинг жафокаш мардикори” кабиллиги тамоман зиддиятли қўлланаш ўқувчи идрокида ўткир истехзоли англов ва қутилмаган палагда мантик тасаввуротини уйғотади. Зотан, эзувчининг мазкур ўриндаги бадий нияти ана шундай муаллақ мантик таъкиди асосидаги киноя тасвирини намоён қилишдан иборат. “*Асл адабиётнинг жафокаш мардикори*” ифодаси бетакрор бадий топилдик сифатида асарнинг лисоний поэтиксини янада қўламлай бойитишга хизмат қилган.

Эркин Аъзам ҳикоядаги асосий қаҳрамон тасвирини унинг таржимаи холини ҳижжалаб ўтирмайди, балки эзувчилар ҳаётининг айтарли муайян бир андазага айланган нуқталарининг зиди, тескарисини тилга олиш билан чекланади. Эркин Аъзам бу нуқталарни шундай кўрсатадики, ўқувчи бу нуқталарнинг қайси ижодкорларга тегишлилигини, умуман, тасаввур қила олади. Мана бу парчага эътибор қилайлик: “У расмона адиллар сингари болалик чоғлариданок эзувчи бўлишни дилига тугмаган, илк ижодини шеър билан бошлаб, деворий газеталарни обод қилмаган эди. Унинг устоз шоирларниқига ўхшаган ибратли бир таржимаи ҳоли ҳам йўқ, болалик кунларида эртас сўйлаб бергувчи бувис ҳам бўлмаган”. Маълумки, аксар ижодкорлар болаликдан эзувчи бўлишни ният қилган, шеър эзган, “деворий газеталарни обод қилган”, бувиси эртас сўйлаб берган. (Х.Олимжоннинг “Болалик кунларимда, Уйкусиз тунларимда Кўп эртас эшитгандим, Сўйлаб берарди бувим” мисраларини эсланг). Ҳикоя қаҳрамони эса бу сифатлашларнинг ҳеч бири билан ошно эмас... Ҳикоя қаҳрамонининг болалиги тасвифи ана шу тарзда ғоят оддий ва таъсирли чизилган, тегишли сўз ва жумлаларнинг деярли ҳар бири ўзига хос ва бадий мақсадга мос нозикликлар билан юқунган.

Ўзбек тилида *дарди бедаво* тарзидаги изофали бирикма бор. Унинг маъноси “даволаб бўлмайдиган дард” демакдир. Эркин Аъзам бу бирикмани лисоний қуршовга мана бундай олиб қиради: “Пойтахтга туташ бөгдорчилик туманларидан бирда қолхоз раиси экан. Қаранг, машъал раис бўлатуриб, шу одам ҳам дарди бедавога йўлиқибди – эзар экан! Ёзмаса туролмас экан!” Аслида, қолхоз раиси учун ёзма, ёзмаса туролмаслик даволаб бўлмайдиган дард эмас, албатта, шунинг учун ҳам маҳоратли эзувчи қолхоз раисининг бу гайриодатий “дард”ини кучли киноя-истехзо билан тилга олмақда. Шунинг учун ҳам тили ўткир адиб раиснинг макомини ўзанига мос рост ишини шундай танбеҳ-кесатик билан шундай таъкидлайди: “Ай, бог-рогинга кара, ҳосилдорликни ўйла, йиллик режаларни шараф билан адо этиб орден-медал олсанг, қаҳрамон бўл-

санг-чи, аиний банда! Булардан ортсанг, меҳнаткашларнинг ҳолидан хабар ол, бева-бечорага қайишгин, инсон!” Адибнинг теран ва таранг танбеҳи куйидагича шиддатли тус олади: “Йўқ-да, қўли қичийди. Ёзмасдан туролмайди!” Бу ўринда *қўли қичилоқ* иборасининг маъновий-ишоравий таркибидаги кесатик-захарханда баралла бўй кўрсатган, ундаги айни маънонинг лингвопоэтик таъкиди янада тўлгинлашган. Бунда матндаги мурожаат қаратилган шахсни ифодаловчи *аиний банда*, *инсон* сўзларининг мазмуний харақатини кўрмаслик ва дашном сасини ҳам эшитмаслик мумкин эмас.

Эркин Аъзам ҳамма асарларида бўлганидек, ҳикояда тил бирикларининг, сўзининг ичи ва ташини аниқ кўра билади ва ярқ этган, юракни жиз эттирадиган маъно нозикликларини ишга сола билади. Мана бу парчадаги *жонивор* ва *одам қилмоқ* сўзларининг метафорик маъно нозиклиги ва товланишларига эътибор қилинг: “Хўш, бу ёгини нима қилиш керак? Нашриёт режасига кирган кўлэзма отлиг *жонивор* китоб бўлиб чиқини шарт! Айниқса – директор буюрганидан кейин! Бўлим мудирини ҳам бир гапни тақорлагани тақорлаган: “*Одам қилинг! Одам қиласиз, та-*

новий таъкидларга ҳам эътибор беринг: “Раис бува ҳар эрта тонглай идорасига келиб, бир қўлида дастурмо, пешонага баг-бакаларини арта-арта, икки бетдан қоғоз кораламаса, кўнгли жойига тушмас экан. Қизгин “эъжод” дамларида Олашовур унга пайдар-пай чой дамба бериб турар эмиш: илхомингизга барака! Ўз навбатида биз ҳам бу жасоратга таҳсин айтмасак уят бўлар: кунту хафсалангизга офарин, раис бува! Аслида, эрмакас қоғоз коралаш унчак мушкул иш эмас: жиндак вақту иштиёқ бўлса – кифоя. Ростакимига китоб ёзиш, ёзганда ҳам яхши ёзиш эса – қийин, ўх, жуда қийин! Чала-чулла қоғозга тушган гаплари китобга айланиб, бебилиска ҳамду сано эшитиб турган мартабали муаллиф буни қайдан билсин!” Парчадаги *бебилиска ҳамду сано* бирикмасидаги гайриодатийлик, сўзлар қўшилмасидаги қутилмаганлик ҳам жиддий лингвопоэтик қимматни ортмоқлаган. *Бебилиска* сўзининг маъноси “осонлик билан, ортиқча меҳнат-машаққатсиз топилган” демакдир, аммо бу сўз одатда пул-бойликка нисбатан қўлланади. Аммо ҳассос адиб бу сўзни ҳамду санога нисбатан ҳеч бир мажбурловсиз қўллаган, бу мутлақо ўзининг табиий ўрнини топгандай эмин-эркин дидир.

бир жоиз бўлса, кўзи очилган раис-эзувчи унга мардикорлик қилган муҳаррир-домлага умрининг сўнг палласида кўнглини ланг очади: “Тавба, бўлмаса, мен бир далавий дехқонга ким қўювди шоирликни! Ҳай, аҳмоқ каллага келган ул-булни қоралаган бўлсак қораладирми. Лекин хизмат сизни-ку! Меҳнатни сиз қилдингиз-ку! Шунин билмай мен бир лодону овсаримдим? Нима зарил денг-а! Мана, ҳаммагини олиб кетар экан...” Адабиёт оламига тамоман бегона ва бу оламда мусофир эканлигини янада таъкидлашдай тоза нияти раиснинг ўзини *далавий дехқон* тарзидаги охорли ифода билан аташида очик кўринади. Муҳаррир-домла уни *эррайим одам* ифодаси билан тилга оладики, бу ифодада унга нимадир раҳм-шафкат, ачиниш каби туйғулар англанади, чунки маҳоратли адиб *эррайим* сўзининг “тан-ти” маъносининг бўй кўрсатишига қулай имконият яратган: “Ажаб бир эррайим одам эди раҳматли – шу холида ҳазил гаплар қилганига нима дейсиз?”

Ҳикоянинг охиридаги мана бу парчага диққат қилайлик: “– Амаки, вергул зўрми, нуктами? – деб сўрайди бўлажак адиб эзувдан бош кўтариб. Қанчалаб китоб битиб, умр бўйи муҳар-

Эзувчи шоғирдчасига қараб дафъатан бакрайиб қолади: “Тамом бўлгандан кўра, давом этгани яхши... Ниманинг? Ажабо!”

Ҳикоядаги охириги жумла шундай: “–Амаки, сўроқ белгиси зўрми, ундовми?”

Тиниш белгиларини бу тарзда мазмуний-мантқиқий, хиссий-идрокий товлантириш, турли бадий-рамзий ишораларни ортмоқлашга сафарбар этиш, воқеа-ҳодисага индивидуал муносабат асосидаги қамровли мулоҳазалар уйғотиш воситасига дўндириш, умуман, лингвопоэтик таъкиду таъсирлар билан тўйинтириш Эркин Аъзамнинг беназир ва бошқаникига ўхшамаган расо услубига хос хусусиятлардандир. Ўзбек тилидаги тиниш белгиларининг лисоний-мелодик моҳиятига уйғун равишда рамзий-ишоравий таъкид имкониятлари бениҳоя ранг-баранг ва чексиз-чегарасиздир. Бола тасаввурдаги уни қийнаган *нукта*, *вергул*, *ундов*, *сўроқ белгиси* каби тиниш белгиларининг қайси бирининг “зўрлиги” ҳақидаги синоатли савол бу белгиларнинг маъно-мазмунини рамз ўлароқ гоҳ талотумли, гоҳ мунтазам маромли ва гоҳ фожиалуд ҳаёт сатҳига кўчирилса, унинг мазмуни нақадар улкан эканлиги англашади. Бу улкан саволларнинг жавоблари ҳеч қимми лоқайд қолдирмаслиги аниқ.

Қиссадан хисса шуки, Эркин Аъзам ижоди лисоний бадийат бобидаги қўплаб тадқиқотлар учун ҳали очилмаган кўриқдир. Тўғри, ўзбек филологиясида бу улкан ва чинакам сўз устасининг настри лингвопоэтикаси ҳақида бир неча тадқиқот ишлари яратилган, аммо булар мутлақо етарли эмас. Эркин Аъзам асарларида яратилган лингвопоэтик мўъжизалар жуда қўплаб ёш ижодкорлар учун туганмас намуна ва ибрат мактабидир.

Низомиддин МАҲМУДОВ,
ЎРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори,
филология фанлари доктори,
профессор.

ВЕРГУЛ ЗҮРМИ, НУҚТАМИ?

Эркин Аъзамнинг “Эзувчи” ҳикояси лингвопоэтикасига чизгилар

мом!” Кўриниб турганидай, *жонивор* сўзи кўлэзмага нисбатан қўлланган, унда айни пайтда кўлэзмага нисбатан салбий муносабат очик ифодаланган. *Одам қилмоқ* матнда “эпакага келтирмоқ, яроқли ҳолатга келтирмоқ” метафорик маъносига қўлланган, бу сўзда ярамайдиганлик таъкиди ва унга салбий муносабат ифодаси акс этган. Бироз кейин матнда кўлэзма *дахмаза* сўзи билан аталган. Бу сўзнинг “ортиқча ташвиш, кераксиз бош оғриғи” маъноси ёдга олинса, янада салбий, кесатикли муносабат ифодаси кабариклашганини сезиш мумкин. Парчада лисоний поэтика нуктаи назаридан расолик ва ҳаққонийликнинг меърида ёки меъридан ҳам ортиқ эканидан хузурланмасликнинг иложи йўқ. Зукко адиб мазкур сўзни ҳикоянинг истехзоли руҳига ҳамоҳанг тарзда матнга мана бундай олиб кирган: “Ўша кунлар раис йиғим-терим билан банд, *дахмаза*нинг унинг Олашовур деган шўх-шалайим шофёри келтириб берди. (Раис бувамаиз ёзишдан кўра, кишига лақаб тақишга уста экан: Оллошукурни у ҳазил аралаш шундай агарди. Кейинчалик қаҳрамонимиз бу чиндан ҳам олашовурроқ йиғит билан роса сирдош улфат бўлиб кетди.)” Ушбу парчадаги *Олашовур* – *Оллошукур* сўзлари, ҳикоя давомида қўлланган айни исмининг турли шамойиллари бўлиши *Шоувурбек* – *Шовур* ва ҳатто *Оллошукур* сўзлари кўрсатган бадий-мантқиқий қароматлари чинакам сўз муҳиби бўлган ҳеч бир ўқувчини асло бепарво қолдирмайди. Тилимиздаги *олашовур* сўзининг маъноларидан бири “шўх, тартибсиз, сершовкин” эканлиги маълум, у ҳикояда шамойилдошларининг умумий маъносига абжирлик билан қайвонилик қилиб тургандек туюлади. Адиб бу шамойилдош сўзларни ҳуққабоз каби шундай қўллайдики, улар исм-ном сифатида атаган шахс ҳаётидаги “муҳим” даврининг белгисига айланади. Биргина ушбу ижтам парча бунини далиллайди: “Лақаб деганлари бекорга қўйилма! *Оллошукур* ҳожи ҳали *Олашовурлик кезларидаёқ*, валломат раиснинг қаватида юравериб, кўп балога ақли етадиган пишиқ-пухта синчига айланиб қолган экан”.

Ҳамма замонларда ижод деган муқаддас ва муборак тушунча қавмининг, қаттадир-кичикдир, халқнинг чексиз эътибори ва эҳтиромида бўлган. Худо берган истехзол бонис яратилган беназир ижод маҳсуллари миллатнинг маънавий юксалишига хизмат қилган, шунинг учун чин ижодкор нуфузи ҳамиша сарбаланд тутилган. Албатта, теран тафаккур ва тирик тахайюлсиз ижод оламига кирмок номукин бир юмушдир. Ижоднинг машаққатли юмушига эмас, балки жилвагар қумушига интилганлар барча замонларда бўлган ва уч пақирга қиммат қораламаларини “менинг ижодим” деб кўкрайига уришдан уялмаганлар. Эркин Аъзам ана шундай фаолиятни ижод эмас, балки “эъжод” деб атайдиган, кескир киноянинг гўзал намунасини яратади. Мана бу парчада яна бир марта бунини кўринг, синтактик структурадаги ки-

Куйидаги мисолларда ҳам *бир тутам*, *гозли* сўзлари ўзлари қўшилган сўзлар билан Эркин Аъзамга хос ўқтамлик билан боғланган ҳолда қўлланиб, алоҳида лингвопоэтик қиммат касб этган: “Сарсон бўлиб ҳар кун ишга қатнаб юрмайсиз, *бир тутам маоинга* кўз тикиб, раҳбариятнинг кош-қовоғини пойламайсиз”. “Кимнинг *ҳамёни* *гозлироқ* бўлса, қўлидан келадими, йўқми – китоб ёзиш, китоб ясаш пойғасига киришиди”.

Тилимизда *тепа сочи тўқилмоқ* ифодаси мавжуд ва у кенг тарқалган. Унинг маъно ташаққулида қўшимча қандайдир шахсга оид муносабат, бирор нарсага ишора йўқ, айтиш мумкинки, унда субъективлик йўқ, сўзловчи назди нуктаи назаридан деярли бетараф. Чинакам сўз устаси Эркин Аъзам мазкур ифодани *тепа сочининг баракаси кетмоқ* тарзида эркинона ўзгартириб қўллаган ва юмшоқроқ, илиқроқ муносабатнинг юзага чиқишига эришган: “Домланинг бирдан-бир эрмаги, овунчоги мана шу боғ, мана шу дарахтлар эди. Бу вақтга келиб у – бир чеккаси азбаройи камхаржлик, ундан ҳам бурунроқ кашандалик йўтали сабаб – сигаретдан воз кечиб, нос отишга ўтган; иягига бир тутамгина сокол ҳам қўйиб олган, *тепа сочининг баракаси кетиб*, бошига қалампирнусча дўппи бостириб юрар эди”.

Ўзбек тилида *саратон* сўзи “шамсий йил ҳисобида тўртинчи ойнинг номи (22 июнь – 21 июль даврига тўғри келади)” маъносига ҳам қўлланади. Бу сўз тиббий термин сифатида касаллик номини ҳам билдиради. Бу сўзни эшитганда, ҳар қандай қўрқмаснинг юрагига ҳам қўрқув оралайди, шунинг учун мазкур маънодаги мазкур сўзни одатда тилга олмаслик урфга кирган. Сўзни ҳам, китобхонни ҳам аяшнинг минг бир ҳадиси билан ошно зийрак адиб мазкур интихоси беш қўлдаи маълум кўрқинч дарди бедаво ифодаси учун айланма тасвир – юмшоқроқ перифразага мурожаат қилади, бунини мана бу парчада кўриш мумкин: “Воҳ даринги, бу қўшалок қувончлар кўнга чўзилмади. Саратоннинг адоқларига бориб, раис таппа тўшакка миҳланиб қолди. *Айни шу фаслага номдош, на шоҳ, на гадоси чора топа билган совуқдан-совуқ бир дардга* йўлиққан эди у”. Фавқулодда лингвопоэтик топилдик!..

Маълумки, адабиётдан унчалик ҳам хабардор бўлмаган, оддийроқ, омироқ одам бадий асар ёзадиган ҳар қандай ижодкорга шоир деб қарайди. Ҳикояда эзувчилик ҳою ҳаваси билан адабий мардикор меҳнатига суянган раиснинг ушбу сўзларидаги *шоир* истилоҳи унинг рост адабиёт кўчасидан ўтмаганлигини табиий равишда таъкидлайди: “Шу, сиз – *шоирларга* ҳам тан бермадим-да, домла, – деган эди лаҳаднинг оғзига бориб қолган одам ҳамон тетик бир овозда. – Мендай бир оми, тўпоридан ҳам *шоир* ясадинглар-а, қойил!” Муаллақ ва муваққат ҳою ҳаваслар ҳеч эканлигини англаган, таъ-

рирлик қилган одам боланинг шугина саволидан лол, ўйланиб қолади.

– Нукта зўр бўлса керак-да. Вергулинг бир гапда бир неча бўлиши мумкин, нукта эса – битта!

– Лекин вергулнинг думи узун-ку?!

– Вергул – гап ҳали давом этади дегани. Нукта қўйилдими, демак – бас, тамом!

– Дарров тамом бўлгандан кўра, давом этгани яхши эмасми?



Суратда: Атоқли эзувчи Абдулла Қаҳҳор адабиётшунос олим Озод Шарифидинов билан.

Адабий-бадий нашрлар

«ЖАҲОН АДАБИЁТИ» 2023 йил апрель сони

Таниқли беларусь эзувчиси Владимир Короткевичнинг “Қўхна афсона” номли киссасида XVII асрда, Беларусь Польша қарамлигида бўлган давр воқеалари, беларусь халқининг озолиқ йўлидаги кураши ҳақида ҳикоя қилинади. Асарни Музаффар Аҳмад таржима қилган.

Атоқли маърифатпарвар, жаҳид мактаби асосчиси Исмоилбек Ғаспирали 1908 йили Бухорода бўлиб, халқимиз ҳаёти билан танишади, Туркистондаги озолиқ харақатини кузатади. “Боғчасаройдан Бухорога саёҳат” асарига (қрим-татар тилидан Тохир Қаҳҳор таржимаси) муаллиф сафари давомида кўрган-кечирган хотираларини баён қилади.

Рус эзувчиси М.К.Карягин “Сақямуни” номли тарихий-биографик очер-


кида (таржимон Музаффар Аҳмад) хинд халқининг тарихий шаклланиш босқичларини қаламга олган. Муаллиф Будданинг таълимоти, фаолияти, маънавий-фалсафий қарашлари ҳақида сўз юртади.

Қирғизистонлик таниқли адиб Султон Раевнинг равон услубда ёзилган, кизикарли сюжетга қурилган ҳикояларида тасвирланган воқеалар самий бадий талқини билан чуқур таассурот уйғотади. Ҳикояларни қирғиз тилидан Аҳмадҷон Мелибоев ўғирган.

Машҳур рус шоири Борис Пастернак шеъриятдан айрим намуналарни Усмон Азим таржимасида ўқийсиз.

Шунингдек, журналнинг ушбу сонидан турк адиби Зеус Қабадайннинг “Мени ташлаб кетдинг” номли киссаси (Бобоҳон Муҳаммад

Шариф таржимаси), немис адиби Роберт Музелнинг “Грижия” (таржимон Мирзаали Акбаров) ва Габриэль Гарсия Маркеснинг “Муҳаббат йўлида муқаррар ўлим” (таржимон Собир Ўнар) ҳикоялари босилган.



“Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси”да келтирилишича, арабча “қутилиш, халос бўлиш” деган маънони билдирган тахаллуслар, одатда, ижодкорлар томонидан ўз ижодини таъкидлаб кўрсатиш, исм-фамилиясидан қониқмаслик ёки бирор хавф-хатардан, таҳликадан қочиш мақсадида қўлланади. Тахаллусни муаллифнинг ўзи таянлайди. Абдулла Қодирий ҳам эллиқдан ортиқ тахаллусда ижод қилган.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ТАХАЛЛУСЛАРИ

Абдулла Қодирийнинг Жулқунбой, Калвак Махзум, Думбул, Муштум, Овсар каби тахаллуслари китобхонларга яхши таниш.

Ҳабибулла Қодирийнинг “Отам ҳақида” китобида ёзувчининг ўткир тили ва аччиқ ҳажвийлари ҳаммага ҳам ёқармангани, шу боисдан душманлар орттиргани айтилади. Қодирий ўз таржиман ҳолида: “Мени боилар, эшонлар кўра олмас эдилар. Чунки мен уларни ишчи тилидан чаккан ва сирларини очувчи душманлари эдим”, деб ёзади. Шундан кўриш мумкинки, Абдулла Қодирий душманлардан, таҳдидлардан сақланиш учун ҳам турли тахаллуслардан фойдаланган.

“Отам ҳақида” китобида Абдулла Қодирийнинг “Муштум” ва турли газета-журналларда босилган ҳажвий, танқидий мақолаларида эллиқдан ортиқ тахаллус қўллагани айтилади. Уларнинг айримлари очик, айримлари яширин бўлган. Ҳабибулла Қодирий бу тахаллусларнинг аксариятини ўзи билган, баъзиларини хабардор кимсалардан сўраб, баъзиларини эса мақолаларнинг услуби ва мазмунига қараб аниқлаган. Жулқунбой, Жиркинбой, Ж-бой, Жу-бой, У-бой, Ж, Жулқунбой, Совринбой ўғли, Мулла Жулқунбой, Жулқунчигир, Думбулбой, Жулқунбой жияни, Думбулбой ўғли, Думбул девона, Думбулниса, Домладумбул, Жиян, Жиянингиз Муштум, Калвак махзум, Калвак махзум жияни, Калвак махзум Шоший, Тошпўлат, Тошпўлат тажанг, Алимов, А.Қ, Бойкуш, Индамас сўфи, Йўловчи, Кампир, Карнайчи, Колхозчи, Газниччи, Лақаланг махзум, Мавлон куфур, Муштум, Сани худо,

Телба, Овсар, Чин дўст, Чирманда ботир, Чи чора, Шапақ махзум, Шоший, Шилғай, Богбон, Қақилдок хўжа, Магбуот араси, Мошхўрдачи, Шақкок, Мулла эшонбой, Ғўсхўр, Мулла Мушфиқий.

2017 йилда “Info Capital Group” нашриётида 5 жилдада чоп этилган “Абдулла Қодирий” тўпламининг 5-жилдида жами 37та тахаллус келтирилган бўлиб, улар орасида “Отам ҳақида” китобининг 1983 йилги нашрида қайд этилган 51 тахаллусдан 33таси (Жиркинбой, Ж-бой, У-бой, Жулқунчигир, Думбулбой, Жулқунбой жияни, Калвак махзум, Тошпўлат, Тошпўлат тажанг, А.Қ, Бойкуш, Индамас сўфи, Кампир, Карнайчи, Колхозчи, Газниччи, Лақаланг махзум, Мавлон куфур, Сани худо, Телба, Чин дўст, Чирманда ботир, Шапақ махзум, Шоший, Богбон, Қақилдок хўжа, Магбуот араси, Мошхўрдачи, Ғўсхўр, Мулла Мушфиқий, Абдулла Жулқун, Абдулла Муштум, Жулқун) учрамайдими, аммо 11та тахаллус (А.Қодир, Абдумбул, Бемаза махзум, Ғўзимаччи, Думбул, Ж-й, Ж-Қ, Мулла Жулқун, Мухбир, Совринбой, Совринбой ўғли) қўшилган. Биринчи китобдаги “Алимов” тахаллуси эса кейинги нашрда “Жўра Алимов” тарзида киритилган.

– Бобомиздан қолган асарларни ўқиш, у кишининг услубини ўрганиш, китобларини тайёрлаш натижасида шунга амин бўлдикми, Қодирий услуби ўзига хос ва бетакрор, – дейди адибнинг невараси Хондамир Қодирий. – Унинг сўз танлаши, жумла тузилишлари қараб, “Отам ҳақида” китобида келтирилган айрим тахал-

луслар тахминий киритиб юборилган, деган хулосага келдик. Ҳатто Боис Қориев тадқиқотларида келтирилган тахаллуслар ҳам баҳсли, деб ҳисоблайман.

Ўз даврида тахаллусларни аниқлаш бўйича қатор тадқиқотлар олиб борган ва ўзи ҳам Олтой, Боис, Қоризода, Ёш қалам, Тилчи, Эшитгучи тахаллуслари билан ижод қилган Боис Қориев (1903–1977) матбуот саҳифаларини бирма-бир варақлаш, шахсий хотираларни тиклаш ва суриштиришлар натижасида жиддий ютуқларга эришган. Ўзбекистон Фанлар Академия-



си наши ҳисобланган “Ўзбек тили ва адабиёти” журнаlining 1967 йил 1-сонида эълон қилинган Боис Қориевнинг “Адабий тахаллуслар ҳақида” деб номланган тадқиқотида Абдулла Қодирийнинг 33та тахаллуси келтирилган. Аҳамиятлиси шундаки, тадқиқотда тахаллуслар алифбо тартибиде келтирилган ва уч қисм(доимий, ўткинчи ва кискартirilган)га бўлиб чиқилган. Унда Алимов, Жулқунбой, Шоший Абдулла Қодирийнинг доимий тахаллуслари, Бойкуш, Думбулбой, Думбулбой жияни, Думбулдевона, Думбулниса, Думбулбой ўғли, Ж-бой, Жаркинбой, Жиян, Жиянингиз Муштум, Индамас Сўфи, Йўловчи, Калвак махзум жияни, Калвак махзум шоший, Кампир, Карнайчи, Колхозчи, Лақаланг махзум, Мавлон куфур, Мулла Жулқунбой, Муштум, Овсар, Санийхудо, Чиндўст, Чирмандаботир, Чи

чора, Шапақмахзум, Шилғай ўткинчи (вақтли), А.Қ, У-бой эса кискартма тахаллуслар сирасига киритилган.

Боис Қориев Ҳабибулла Қодирийда келтирган Жиркинбой, Жу-бой, Ж, Жулқунбой Совринбой ўғли, Жулқунчигир, Жулқунбой жияни, Домла думбул, Калвак махзум, Тошпўлат, Тошпўлат тажанг, Бойкуш, Газниччи, Телба, Шапақ махзум, Богбон, Қақилдок хўжа, Мошхўрдачи, Шақкок, Мулла эшонбой, Ғўсхўр, Мулла Мушфиқий каби 21та тахаллусини руйхатга киритмайдими. Назаримизда, Боис Қориев тадқиқотлари анчайин асосли кўринади. Сабаби, улар орасидаги Жиркинбой тахаллуси шоир, драматург ва педагог Рафик Мўминов(1900 – 1951)га, Газниччи тахаллуси эса Газетхон шаклида журналист ва таржимон Аъзам Айюбов(1904 – 1938)га, Газетчи шаклида Босит Сиддиқов(1900–1938)га, Шақкок – Ҳилмизодага (Боис Қориев шундай келтиради, аниқлаш имкони бўлмади), Мулла Мушфиқий тахаллуси эса Мулла Мушфиқ тарзида маърифатпарвар шоир Ҳожи Муин(1883 – 1942)га, шоир, ёзувчи, журналист Ғози Юнус(1889 – 1942)га тегишли. Бундан ташқари, Ҳабибулла Қодирий тахаллус сифатида санаб ўтган Калвак махзум, Тошпўлат, Тошпўлат тажанг Қодирий асарлари қаҳрамони-дир. 2017 йилда “Info Capital Group” нашриётида 5 жилдада чоп этилган “Абдулла Қодирий” тўпламининг 3-жилди “Диёри бакр” деб номланган ва унда адибнинг юқоридаги рўйхатларда учрамайдиган Ж-б, М.Абдулла Қ, М.А.Қ, Мазлум (Эски шахарлик), Эски шайтон, Мирза соврин каби тахаллусларда эълон қилинган асарлари ҳам киритилганки, улар тахаллуслар сонини янада оширади. Ана шуларни инобатга олиб, бугунги кунгача Қодирийнинг 36 тахаллуси аниқланган экан, дейиш мумкин. Кўринадики, буюк адиб, “қулдириб йиғлатади, йиғлатиб қулдиради”ган “фельетонлар қирол”и Абдулла Қодирийнинг тахаллусларини махсус ўрганиш ва янги маълумотларга эга бўлиш қодирийшунослар олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Холиёр САФАРОВ

Блез ПАСКАЛЬ, француз файласуфи

БЕЗОВТА ЮРАК МАНЗАРАЛАРИ



Блез Паскаль файласуф, ёзувчи, математик ва физик сифатида танилган. У математика билан шуғулланувчи ва болаларини машур Мишель Монтеннинг педагогик қарашлари таъсирида тарбиялаган ҳуқуқшунос оиласида туғилган.

Блез Паскални (1623–1662) адабиётчилар файласуф сифатида билиши, математиклар ўз соҳаларининг таникли мутахассиси деб ҳисоблашади. Зеро, у илмий назариялар устида ишлаш билан бирга илк ҳисоблаш машинаси намунасини яратган кашфиётчи ҳам. Фалсафий рўҳдаги асарлари эса ҳануз жаҳон адабиёти дурдоналари қаторида.

“Ақл ва ҳис-ҳаяжон инсонга хос хусусият. Унинг ҳатти-ҳаракатида баъзан ақл, баъзан ҳиссиёт устунлик қилади. Инсоннинг доимо яшайдан мақсад излаб, ўзи билан курашиб яшаши сабаби шунда”, деб ёзган эди адиб.

Бу фикрни Паскалнинг ҳаётга кинояси эмас, балки инсон руҳиятини англашга интилиши, деб тушуниш мумкин. Чунки мутафаккирининг ўзи умри давомида кўп қийинчиликларга дуч келган.

Куйидаги афоризмлар машур файласуфнинг “Ўйлар” асарида олинган. Улар нигоҳингизни бир зум бўлса ҳам ички руҳиятигизга қарата олса ажабмас.

Биз атрофдагиларга ҳар сафар бошқа томондан эмас, бошқача кўз билан қараганимиз учун, “айниди” деган ўйга боришимиз мумкин.

Тор фикрли одамлар нуқул арзимас нарсалардан хафа бўлиб юришади. Ақлли одамлар эса ҳамма нарсани сезиб, билиб юришади, аммо деярли ҳеч нарсадан хафа бўлишмайди.

Шуниси қизиқки, биз билан ҳар қандай масалада келишадиган кишиларни соғлом фикрли, деб биламиз.

Одамлар ўзини гуноҳкор санайдиган ҳақгўйларга ва ўзини ҳақгўй деб биладиган гуноҳкорларга бўлинади.

Айрим одамларнинг бойлигига кўпмак ҳавас қилиб бўлмайди. Чунки улар бунинг учун виждон, гурур, хотиржамлик ва соғлиғини ҳам қурбон қилганки, сиз билан бизнинг “чўнтагимиз” буни асло кўтармайди. Булар бари бизга жуда қимматга тушиб, фақат эиён кўрамыз.

Агар усталик билан фойдаланилса, камчилик ҳам фазилатдек кўринади.

Албатта, инсон фикрлаш учун туғилади. Унинг бошқа жонотлардан фарқи ҳам шунда. Яшайдан мақсади, умр мазмуни ҳақида фикрлаш – инсоннинг ҳаётдаги вазифаси.

Бирок одамлар нималар ҳақида фикрлайди, нималар учун қайғуриб елиб югуради?

Кўпроқ еб-ичиш, ўйин-қулги, бекорчи эрмаклар, мансаб-мартаба учун жижкамуст бўлиш... Аслида улар қирол бўлиш нима-ю, ҳақиқий инсондек яшаш нима – булар ҳақида заррача фикрлаб кўрмайди.

Фикр унинг ифодачиси бўлган сўзларнинг жойлашувига қараб ўзгаради. Фикр сўзларга эмас, сўзлар фикрга мазмун беради.

Вақтнинг қайгу ва ранж-аламларни даволаши шундаки, ўтган вақт давомида инсон ўзгаради: у энди аввалги шахс эмас. Вақт мобайнида хафа қилган ҳам, ранжиган ҳам бошқа одамларга айланган бўлади.

Рустам БОЙТЎРА таржимаси.

Тадбир ҚОЗОГИСТОН МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

Айни кунларда юртимизнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида Қозоғистон маданияти кунлари давом этмоқда. Тадбирлар 20 июнь кунини пойтахтимизнинг “Туркистон” санъат саройида Қозоғистон маданияти кунларининг тантанали очилиш маросими билан бошланди. Тадбирда сўзга чиққан Қозоғистон Республикаси Маданият ва спорт вазирининг ўринбосари Нуркисса Дауешев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирининг ўринбосари Назарбеков қатнашчиларни самимий муборакбод этдилар. Роза Бағланова номидаги “Қозоқконцерт” давлат муассаси ижодий гуруҳи концерт дастурини намойиш этди. Гала-концертда Салтанат Ахмедова, Алишер Каримов, Рухия Байдулжонова, Мадина Сиздикова, Динислам Жайлаубай, Салтанат Мендигалиева, Дилдор Абдуллоҳов каби таникли санъаткорлар, шунингдек, афсонавий “Гулдер” ансамбли, дунёга машур “TURAN” этнофольклор ансамбли, Абай номидаги Қозоқ миллий опера ва балет театри солисти Дулат Токанов мухлисларга завқ-шавқ улашдилар. “TURAN” этно-фольклор ансамбли 21 июнь кунини илк бор ўзбек шинавандаларига ўзида симфоник оркестр ва қозоқ музыка асбобларини бирлаштирган “FOIKS Symphony” номли муаллифлик лойиҳасини тақдим этди. Таъкидлаш жоизки, ансамблда ўтиздан ортиқ музыка асбобларида чала оладиган Мақсад Мелсубек, Серик Нурмаддаев, Бауржан Бекмуханбетов, Ержигит Алиев, Жанту Дадаев каби истеъдодли мусиқачилар фаолият кўрсатади. “TURAN” ансамбли Ўзбекистон Миллий симфоник оркестрининг бош директори Алибек Кабдурахмонов раҳбарлигидаги Ўзбекистон симфоник оркестри билан ҳамкорликда ижро этди.

22 июнь кунини қозоғистонлик санъаткорлар Самарқанд вилоят мусикали драма театрида концерт бердилар, 23 июнда эса Бухоро шаҳридаги Ёшлар маркази концерт залида гала-концерт бўлиб ўтди.

Кино мухлислари ҳам ажойиб учрашувларга гувоҳ бўлдилар. 20 июнь кунини пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги киносаройда Қозоғистон кино кунларининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда Қозоғистон Республикаси маданият ва спорт вазирининг ўринбосари Нуркисса Дауешев ҳамда Ўзбекистон Кинематография агентлиги директор ўринбосари Шухрат Ризаев иштирок этди.

Мухлислар эътиборига қозоқ киночилари томонидан суратга олинган “Султон Бейбарс”, “Мукағали”, “Дос Муқашан”, “Ватанпарварлар даври”, “Паралимпиячи”, “Стартла”, “1941-йил ёзи” каби бадиий, “Кенжа қиз”, “Бешик жири”, “Амен ога оғаш” мультфильмлар ҳавола этилди.

Шунингдек, Самарқанд вилоят санъат саройида, Бухоро шаҳридаги Ёшлар марказида концерт дастурлари намойиш этилди.

Бугун Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида Қозоғистон Республикаси маданияти кунларининг ёпилиш маросими бўлади. Маросим сўнида Абай номидаги Қозоқ миллий опера театри ижодкорлари “Абай” спектаклини намойиш этадилар.

Гулчехра УМАРОВА

ҚАРДОШЛИК ҚЎРҒОНИ

Бошланиши 1- саҳифада

Маросимни Ўзбекистон Маданият ва туризм вазирининг ўринбосари О.Назарбеков кириш сўзи билан очиб берди ва барчани ташкилотнинг 30 йиллик юбилейи билан қутлади. ТУРКСОЙ бош қотиби Султон Раев йиғилганларни байрам билан табриқлаб, мазкур ташкилот ривожига Ўзбекистоннинг ўрни алоҳида эканига урғу берди.

Мехмонлар “Турк дунёси” номли рассомлар ва хунармандлар кўргазмасига қўйилган асарлар, хунармандчилик намуналари билан яқиндан танишди ва туркий халқларнинг миллий таомларидан тағиб кўрди.

19 июнь кунини пойтахтимиздаги “Интерконтинентал” мехмонхонасида ТУРКСОЙга аъзо мамлакатлар маъсулларининг ўзаро мулоқоти бўлиб ўтди. Маданият ва туризм вазирининг ўринбосари Назарбеков “TRT AVAZ” канали координатори Седат Сағирқоя билан мулоқот ўтказди ва ўзаро ҳамкорликка оид келишувга эришилди. Шунингдек, у “Турк хаво йўллари” бошқаруви раиси Орхан Бирдал билан ҳам мулоқот ўтказди. Мулоқотда икки мамлакат шаҳарларида авиакатновлар сонини кўпайтириш, янги йўналишларни йўлга қўйиш бўйича тақлифлар ўртага ташланди.

Туркий тилли давлатлар парламент асамблеяси бош қотиби Мехмет Сурейя Эр билан учрашувда TURKPA (Parliamentary Assembly of Turkic States) билан ҳамкорликнинг янги истиқболлари муҳокама қилинди. Мазкур ташкилот туркий давлатлар ўртасида парламентларо алоқалар механизмининг шакллантириш, сиёсий қарашларни яқинлаштириш, ахборот алмашиш, туркий маданиятни тарғиб қилиш, иктисодий алоқаларни кенгайтириш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида 2008 йил 21 ноябрда Истанбулда Озарбайжон, Туркия, Қозоғистон ва Қирғизистон парламентлари раислари иштирокидаги конференцияда ташкил этилган эди. Маданият ва туризм вазирининг ўринбосари О.Назарбеков ТУРКСОЙ бош қотиби Султонбой Раев билан ҳам учрашув ўтказди. Мулоқотда бош қотиб Ўзбекистонда 30 йиллик байрам тадбирларининг юқори савияда ташкил қилинаётганини алоҳида эътироф этиб, миннатдорлик

билдирди. Сўнгги йилларда ўзаро маданий алоқалар кўлами кенгайгани, янги ташаббуслар сони ва сифати ўсгани, бу жараёнда Ўзбекистоннинг иштироки муҳим бўлаётганини таъкидлади.

Президентимиз 2022 йил 11 ноябрь кунини Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши йиғилишидаги нутқида: “Мен бугун Ўзбекистоннинг туркий маданият халқаро ташкилотига тўлақонли аъзо бўлганини эълон қилишдан мамнунман”, деган эди. Шундан буён ТУРКСОЙ билан ҳамкорликда мамлакатимизда қатор нуфузли халқаро тадбирлар ўтказилди. 2023 йил давомида эса Беруний таваллудининг 1050 йиллиги, Захириддин Мухаммад Бобур таваллудининг 540 йиллиги, Гафур Ғулум таваллудининг 120 йиллигига бағишлаб маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш белгиланган.

– Ватанимиздан етишиб чиққан улуг алломалар, буюқ тарихий шахсларни дунёга танитиш ёки бизнинг тарихий, илмий, адабий, маърифий, бадиий асарларимизни бошқа тилларга ўгириш ва тарғиб этиш бўйича ҳам қиладиган ишларимиз бор, – деди Озодбек Назарбеков. – ТУРКСОЙ ташкилоти билан асосан Беруний, Бобур, жадидлар ҳаёти, фаолиятини ёшларга таништириш бўйича қатор лойиҳалар юзасидан келишиб олдик.

Туркий давлатлар ташкилоти бош қотиби К.Омуралиев билан учрашувда ҳамкорликка оид бир қатар масалалар, жумладан, “Табаррук зиёрат” туризм платформаси базисини янада кенгайтириш, туркий тилли мамлакатлардаги зиёрат масканларининг маълумотлари билан интеграция қилиш масалалари муҳокама қилинди. Президентимизнинг “Туркий давлатлар билан туризм соҳасидаги ҳамкорликни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ташкил қилинган ушбу платформадан етти тилда 70дан ортиқ маданий мерос объекти ҳақида батафсил маълумот олиш мумкин.

Озарбайжон Республикаси маданият вазирининг ўринбосари О.Каримли билан мулоқотда маданият соҳасида икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш, Бо-

куда “Ўзбекистон маданияти кунлари”ни ташкил этиш билан боғлиқ режалар муҳокама қилинди.

Байрам тадбирлари “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида давом этди. ТУРКСОЙнинг 30 йиллик юбилей тантаналари муносабати билан туркий давлатлар ўртаси маданият ва санъатни кенг тарғиб қилган, мукаммал ижрочилик маҳорати билан туркий давлатларда обрў-эътибор қозонган таникли маданият ва санъат ходимлари учун таъсис этилган “Олтин медал” мукофоти билан Ўзбекистон маданият ва туризм вазирининг ўринбосари Назарбеков, Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев, Ўзбекистон Бадий академияси раиси Акмал Нур, Сайдуллоев уюшмаси раиси Сирожиддин Сайид, Ўзбек миллий академик драма театри директори Ёдгор Саъдиев, Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова ҳамда марҳум, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Бахтиёр Сайфуллаев тақдирланди. Мукофотни ТУРКСОЙ бош қотиби С.Раев топширди. Шунингдек, ташкилотнинг “30 йиллик” кўкрак нишони билан бир гуруҳ маданият ва санъат ходимлари ҳам тақдирланди.

– Халқларни яқинлаштириш йўлида олиб борилаётган барча саъй-ҳаракатларни одамлар билиши керак, – деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Сирожиддин Сайид. – Бу йўлда биз – ижодкорлар мазмуни. Аллақачон халқаро алоқаларимизни кўпайтириш тақозо этилаётган эди. Шундай экан, умумий дўстлик қўрғонига ақали битта гишт қўя олсак, биз бахтлимиз.

Шундан сўнг ТУРКСОЙга аъзо давлатлар санъаткорлари иштирокида юбилей концерт дастури намойиш этилди. Унда Ўзбекистон, Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Венгрия давлатларидан 100 нафардан ортиқ таникли санъаткор ва ижрочилар қатнашди.

Концерт дастури аввалида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ТУРКСОЙ ташкилотининг 30 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонда ўтказилаётган маданият кунлари иштирокида рига йўллаган байрам табригини Президи-

дент маслаҳатчиси Хайридин Султонов ўқиб эшиттирди.

“Туркий дунёнинг сиёсат, илм-фан, табиёт, адабиёт ва санъат соҳаларида улкан ютуқларга эришган наомандаларини рағбатлантириш мақсадида буюқ шоир ва мутафаккир Мир Алишер Навоий номидаги халқаро мукофот таъсис этилгани маданий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди, – дейилади давлат раҳбари табригида. – Бу йил гўзал Навоий шаҳрида бўлиб ўтган ТУРКСОЙ ёзарлар бирлигининг биринчи йиғилиши ҳамда “Мумтоз шеърят” деб номланган халқаро фестивал туркий адабиёт оламида катта ақл садо берди. Шунингдек, ташкилот билан ҳамкорликда Гулистон шаҳрида III Халқаро бахшичилик санъати фестивали, Тошкент шаҳрида Турк дунёси талабалар халқаро театр фестивали ҳамда Марғилон шаҳрида “Буюк ипак йўли” халқаро фольклор фестивали юқори савияда ўтказилди”.

Табриқдан сўнг Маданият ва туризм вазирининг ўринбосари Назарбеков, Туркий давлатлар ташкилоти Бош қотиби Кубаничбек Омуралиев, ТУРКСОЙ бош қотиби Султон Раев сўзга чиқиб, йиғилганларни байрам билан қутлади.

– Бу кунлар аждодларимиз қутган кун! Бу кунлар оналаримиз қутган кун! Бу кунлар жадидларимиз қутган кун! Ва бу кунлар... авлодларимизга мерос кун, – деди С.Раев. – ТУРКСОЙ – бугунги кунда 14та туркий тилда сўзлашувчи давлат ва минтақаларни ўз ичига олган ташкилотдир. Ташкилот асосчиларидан бири бўлган Ўзбекистон Республикаси ТУРКСОЙ тузилган кундан буён доимий равишда тадбирларимизни қўллаб-қувватлаб келмоқда.

ТУРКСОЙнинг 30 йиллик юбилейи тантаналари 2023 йилнинг 7-9 июнь кунлари Олмаота, 12-13 июнь кунлари Бишкек шаҳарларида бўлиб ўтган бўлса, 24-25 июнь кунлари Ашхобад шаҳрида давом этиши ҳамда шу йилнинг октябрь ойида Озарбайжон ва Туркия Республикаларида кенг нишонланиши кўзда тутилган.

Фозил ФАРХОД, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ахборот хизмати бўлими бошлиғи.

ОРОЛ: КЕЧА ВА БУГУН



Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида очилган “Сублимация” деб номланган кўргазма Орол денгизи билан боғлиқ глобал муаммоларга бағишланди.

Мазкур кўргазмада таникли рассом Абдуҳаким Турдиев Оролнинг айни пайтдаги ҳолатини маҳобатли рангтаъбир асарлари ҳамда ёғочдан ясалган қайиқ инсталляцияси билан уйғунлаштирган ҳолда намойиш этмоқда. Лойиҳа муаллифи Орол денгизи билан боғлиқ экологик ҳалокатнинг глобал муаммоларини кўрсатиб берган.

Экспозицияда устоз рассом Фаим Мадгазиннинг асарлари ҳам намойиш этилмоқда. Бу асарларда бир вақтлар табиатининг ранг-баранглиги чиройли ва жўшқин Оролнинг аввалги қудрати акс этган. Рассом денгизнинг кечаги ва бугунги манзараларини акс эттириб, инсониятни бебаҳо маскан – Ер сайёрасига эҳтиёткорона муносабатда бўлишга чақиради.

Фаим Мадгазин 1951 йил П.П.Беньков номидаги рассомлик санъат билим юртини тугатиб, Нукус шахрига келади ва илк ижодий ишларини шу ўлкада яратади. Қорақалпоқ диёрига меҳри тушиб қолган рассом умрининг охиригача шу ерда яшаб қолади. У Қорақалпоғистон тасвирий санъатининг бошланғич даврида етишиб чиққан рассомлардан бири. Ф.Мадгазин мўйқаламига мансуб манзаралар, портретлар, натюрмортлар Қорақалпоғистон тасвирий санъатида ўзига хос ўрин эгаллаган.

Рассом Олимжон Фозилов Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида туғилган. У 1968-1975 йилларда П.П.Беньков номидаги рассомлик санъат билим юртида А.Перов, Ю.Стрельников каби таникли рассомлардан таҳсил олган. Сувбўёқда расм чизиш техникасини мукамал эгаллаган рассом кичик ҳажмдаги акварель ишларида ҳам маҳобатли мазмун-моҳиятни аниқ-тиниқ ифодалайди.



Тошкент Фотосуратлар уйида акварель устаси Олимжон Фозиловнинг “Акварель” деб номланган кўргазмаси очилди. Унда рассомнинг сувбўёқда ишланган олтишга яқин асарлари, этюд ва хомак ишлари намойиш этилмоқда.

“Бўзсув”, “Қуриган дарахт”, “Яллама”, “Чиноз отлари”, “Меҳнат”, “Бурчмулла” сингари картиналари томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

Сарвара ҚОСИМОВА

Болалар бекати

Равшан ИСОҚОВ



ҚУЁШ

Янги узилган нондай Қизариб чикди офтоб. Йилнома китобида Очилди янги бир боб.

Ҳоримас Бобоқуёш, Заминни гулга буркаб. Қиздириб мисли тандир, Чўғ бўлиб, олов пуркаб.

Сочу соколи тўзган, Жилмаяр ҳар ён тараб. Гимирлаган жон борки, Авайлар нурга ўраб.

ДАСТЎР

Ана укам юрпяти, Атай-гатай қиялпти. Жилмайиб қараяпти, Чақирганим билапти.

Кулиши бирам ширин, Бўй чўзаяпти кун сайин. Мен авраб ўтираман, Жойимдан ҳеч жилмайин.

Ойимларга дастёрман, Яхшилиги бисёрман. Укам катта бўлса бас, Ҳаммасига тайёрман.

ИЛК ҚАДАМ

Той укам юриб қолди, Уйимиз тўлиб қолди. Сочки сочдик бошидан, Хўп ширин бўлиб қолди.

Кўриб бир қувонамиз, Ҳаммамиз оворамиз. Шодлигимиз чеки йўқ, Ердасмас, самодамиз.

Дейсиз митти фаришта, Оғзида тиши бешта. Қоласиз сиз ҳам уни Ектириб бир кўришда.

МУЗҚАЙМОҚ

Жон роҳати музқаймоқ, Бахш этар ором, салқин. Шоколад, суту қаймоқ, Кўнгилга бирам яқин.

Ёзда тўйиб ялайман, Ох, таъми маза, маза. Томоғимни аяйман, Турган-битгани муз-а?!

Газетанинг навбатдаги сони 5 июль кунини чиқади.

Бизнинг муқаддас бурчимиз миллий санъатни кўллаб-қувватлашдир. Шу боис, мен матбуот вакилларини хуштакли қозонлар ишлаб чиқарадиган заводга таклиф қилишганини билганимда чин дилдан хурсанд бўлдим. Биз матбуотчи ҳамкасблар йиғилдик ва бизни дарвоза олдида кутиб олишди. Завод директори ёқимтой, хушмуомала киши экан. У хар биримиз билан ўрнидан туриб саломлашди, кўл бериб сўрашиб, қулай ўриндикка ўтказди.

Миллий санъатимиз дадил қадам ташлаб хуштакли қозон ишлаб чиқаришни ўзлаштириганидан жуда хурсанд бўлдим.

Директор бизни чекишга таклиф қила туриб, қўнғирок тугмасини босди. Чиройли кийинган одам кириб келди.

– Меҳмонлардан нимани хоҳлашларини сўранг, – деди директор унга. Кейин у бизга юзланди: – Бизда яхши кулупнай шарбати бор.

Биз газетачилар, ўттизга яқин одам йиғилгандик, ҳаммамизга хушмуомалалик билан чой, қахва ёки кулупнай шарбати улашди. Дастлаб об-ҳаво ҳақида гаплашдик, кейин маҳаллий фильмлар хуёсиди, сўнгра балиқчиликни ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокамасига ўтилдик. Бир нечта ўткир латифалар айтилиб, қувнок кулгилар янгради. Орамизда латифагўйликни котирадиганлар кўпчилик экан, директорнинг хонаси бир зумда гурунхонага айланиб, хар ким ичида борини тўкиб солди.

Кейин завод директори меҳрибонлик билан барчамизни тушликка таклиф қилди.

Дастурхон ноз-неъматларга тўлиб тошган эди. Бу ерда йўқ нарсанинг ўзи йўқ: қўй гўшти, увилдирик, овланган ёввойи қушлар гўшти ва хатто чўчка гўшти ҳам бор, фақат қуш сути етишмаяпти, дейиш мумкин.

Дастурхон атрофида шунчалик қувнок ва давомили кулги бўлдики, бир ҳамкасбимиз томоғига товук суягига тикилиб жон таслим қилишига оз қолди.

Тушликдан кейин биз кофе ичиб, чекиб гурунглашдик. Иқтисодий шарҳлашга ихтисослашган мухбирларнинг кўпчилиги бошқа шошилинч ишлари борлиги учун директордан кечирим сўраб, кетиб қолишди.

Маълумки, газетачилар хамиша барча ишлардан хабардор. Қолганлари ҳам гурунждан четда қолмай, мусика ва атом бомбаси, театр ва реактив самолётлар ҳақида ишонч билан гапира бошладилар.

Соат беш бўлиб қолди. – Тамадихонага хуш келибсиз! – дея таклиф қилди директор.

Тамадихона шунчалик хашаматли, дастурхон шунчалар тўқин эдики, тушлик хали ошқозонимизда ҳазм бўлишга улгурмаганидан чин дилдан пушаймон бўлгимиз келди. Иштахани очини учун биз ичимликка зўр бердик. Гўштли газак билан арок, мевалар билан вино, ширинликлар билан ликёр, керевит,

пишлоқ ва ёнғоқ билан – пиво ичдик, кейин эса, виски ва жин каби хар хил хорижий ичимликлар аралашиб кетди.

Кейинроқ яна бир гуруҳ газетачилар кетишди. Миллий санъатни ривожлантиришга катта аҳамият бериб, хуштакли қозон ишлаб чиқарадиган завод ҳақида нималардир айтишларини кутишга қарор қилдим.

Кечки соат саккизда биз уч киши қолдик: спорт шарҳловчиси, кроссвордлар тузувчи ва мен, фельетончи.

Директор: “Единг, ичдинг, яна нимани кутясан?” дегандек бизга қаради. Мен жимгина спорт шарҳловчидан сўрадим:

– Нима қиламиз?
– Директор мени машинада олиб кетишга ваъда берди, шунинг учун уни кутаман!

Иккинчиси директорнинг эски таниши бўлиб қолди. Ортикча гапга ўрин қолмади. Мен хижолат бўлиб директорга юзландим:

– Заводингиз ҳақида қисқача маълумот берсангиз?

Ҳажвий хикоя

Азиз НЕСИН

ХУШТАКЛИ ҚОЗОНЛАР

Директор негадир менга галати қаради ва қаламни тишлаб, ажабланиб сўради:

– А? Нима? Завод ҳақидами?.. Кўрдингизми, заводимиз... заводимиз, таъбир жоиз бўлса, хуштакли қозон ишлаб чиқарадиган завод... яъни, нима бўлишидан қатъи назар, хуштакли қозонлар ишлаб чиқарилади. Мен бу заводга келгунимча, унинг махсулдорлиги кунига атиги бешта қозон эди. Умид қиламанки, яқин келажакда унинг қувватини кунига ўнга қозонга етказамиз. Ҳукуматимиз дастурга қўра, хар бир фуқаро ўз уйи, ховузи ва айвонли мўъжаз боғи билан бирга хуштакли қозонига эга бўлиши зарурлигини биласиз. Шунинг учун фабрикаимизнинг ишлаб чиқариш қувватини янада оширишимиз керак...

Албатта, фаолиятимизда баъзи қийинчиликларга ҳам дуч келямиз. Лекин бу қийинчиликларни газетда ёзмаслигингизни сўрайман, гап орамизда қолақолсин. Хуштакли қозон ишлаб чиқариш учун зарур бўлган материаллар ва қисмлар, яъни: қозонлар, қопқоқлар, мурватлар, хуштак ва шунга ўхшашларни биз Америкадан оламиз. Аммо ҳамма нарсани шу ерда йиғамиз ва турк ишчисининг пешона терлари билан тайёр бўлган хуштакли қо-

зонларни чиқарамиз. Улар устига “Туркияда ишлаб чиқарилган” деган ёзувли метал ёрликни ёпиштирамиз. Биз бу ёрликларни ҳам Америкадан оламиз. Заводга аралаш турк-америка сармоёси қиртилган. Пул бизники, лекин гоё Американики!..

Бирок сўнги пайтларда эҳтиёт қисмлар ва материаллар келиши тўхтаб қолди ва шунинг учун биз хуштакли қозонларни ишлаб чиқаришда қийинчиликларга дуч келямиз.

Бизнинг қозонларимиз сифати Европа ва Американинг хуштакли қозонларидан анча устун. Биринчидан, хуштакларимиз овози жуда ёқимли. Мисол учун, сиз ловияни қозонга солиб қўйдингиз ва улар қайнади, тўғрими? Бу вақтда қозон хуштак эмас, қулоққа ёқимли шундай оҳанг чиқарадики, гўё Зеки Муреннинг ўзи “Магнолия”ни ижро этаётгандай бўлади.

Америкада ишлаб чиқарилган хуштакли қозонлар эса шунчалик қутилмаган ва қулоқни тешувчи хуштак қаладики, хатто хомилдор аёллар унинг овозини эшитиб, кўрқувдан муддатидан олдин туғиб қўйган ҳолатлар ҳам юз берган. Бундан ташқари, ўзимизнинг хуштакларимиз узокроқ чалинади. Бир сўз билан айтганда, махсулотларимиз хорижикидан хар жихатдан яхшироқ.

Лекин, айтганимдек, бизда керакли қисмлар ва материаллар йўқ. Худога шукр, юртимизда хуштак етарли, аммо қозон йўқ. Аммо биз муаммонинг ечимини топдик: фақат хуштак ишлаб чиқарамиз ва сотамиз. Сиз ўзингизнинг оддий қозонингизни олиб, унда таом пиширингиз ва вақти-вақти билан қараб туришингиз мумкин. У қайнаши биланоқ, оғзингизга хуштак олиб, ҳаммага таом тайёрлигини билдирасиз. Шундай қилиб, сиз оддий қозон эмас, балки хуштакли қозоннинг эгаси бўласиз.

Бошқа жихатлари қаторида, бу гоё бир қатор афзалликларга йўл очиб беради. Хоҳиш бўлса, хуштак ўрнига саксафон, скрипка ёки ногорадан ҳам фойдаланишингиз мумкин. Бундай ҳолда, қозон мос равишда саксафонли, скрипкали ёки ногорали деб аталади. Бу фикр бутунлай бизга тегишли. Агар, масалан, ногорали қозонда овқат тайёрланган бўлса, унинг пишиганидан нафақат уйдагилар, балки бутун маҳалла хабардор бўлади.

Тушунтиришлар учун директорга миннатдорлик билдирдим ва кайтдим.

Директорнинг дастурхони атрофида жам бўлган газетачилар эртаси кунини ўз наشرларида “Санъатимиз юксалишда”, “Хуштакли қозонларимиз хорижикидан афзалроқ”, “Йиллиги йиғирма беш миллион хуштакли қозон!” каби сарлавҳалар остида кўтаринки руҳдаги мақолалар чоп этишди.

Ҳабиб СИДДИҚ таржимаси.

Гул қўп, чаман қўп...



Бойлик

Асл исм-фамилияси Анри-Рене-Альбер-Ги бўлган Ги де Мопассан кашшоқлар ҳақида кўп ёзарди, аммо ўзи тўқиччиликда ҳаёт кечирарди. У чиройли кийинарди, ховлилар, ҳатто яхта сотиб олганди. У оилани боқишдан ташқари, зиёфатлар ва аёлларга ҳам озмунча пул сарфламаган.

Эйфель минораси

Мопассан Эйфель минорасини кўргани кўзи йўқ эди, шунга қарамай миноранинг N-қаватидаги ресторанда тушлик қиларди. Ёзувчи буюқ гўшти қотлети, балиқлар таъми ҳақида ҳаяжонланиб ёзар экан, шахар юзига доғ бўлиб тушган дахшатли темир минора бу ресторандан кўзга кўринмаслиги ҳақида сўзларди.

Рус аёлини асир этган

Сўлиб бораётган 26 ёшли Мария Башкирцева севимли Мопассан билан висол онларини кутарди. Умрининг охиригача аёлини у ҳамкасб-устоз сифатида мафтун этганими ёки бундан ўзгачароқ туйғу бормиди? Улар мактуб ёзишар, аёлларни асир этишда устаси фаранг Мопассан гўзални умидвор қилса-да, ёнига бормайди. Аммо аёл вафот этгач, ваъдасига вафо қилганини учун афсусланади.

Халоскор

Мопассан муҳаббат жоғорларини ёктирувчи, аёлларга муносабатда ноҳақ бўлса-да, бир гал денгизга чўкаётган инглиз шоир Алжберн Сунберни ўлимдан қутқариб қолади.

Унга нафақат дадиллиги, балки моҳир сузувчилиги ёрдам беради.

Буюк истеъдод

Унинг истеъдодидан Фридрих Ницше, Иван Тургенев ва Лев Толстой хайратга тушган.

Бошловчи ёзувчи ва журналистга Устав Флобер кўмак беради. Мопассан онасининг болалиқдаги дўсти бўлган Флобер кейинчалик унга устоз бўлиб қолади.

Оддий аскар

Мопассан 1870-1871 йиллари франк-прусс урушида оддий аскар сифатида иштирок этади. Бу урушнинг кўплаб асарларида воқеалар бўлиб ўтган жой сифатида кўринади, жумладан, Мопассаннинг биринчи машҳур новелласи – “Дундик”даги воқеа ҳам урушда содир бўлган.

Сермаҳсул адиб

Ёзувчининг романлари ўз даврида ақл бовар қилмас даражада шон-шухрат қозongan. Биринчи романи “Ҳаёт” бир йил ичида 25000 нусхада чоп этилади. Мопассан фақат 1885 йилнинг ўзида 1500 босма табоқ ҳажмида бадиий асар ёзди, очерк ва фельетонларини ҳисобга олмаганда, албатта. Ҳатто Бальзак, Диккенс ёки Дюма-ота ҳам бунчалик сермаҳсул бўлмаган.

Кинофильмлар

Турли йилларда Мопассан асарлари асосида Михаил Ромм (“Дундик”, 1934), Жан Ренуар (“Шахар ташқарисига сайр”, 1936), Луис Бунуэль (“Муҳаббатсиз аёл”, 1952), Люк Годар (“Эркак-аёл”, 1965) сингари машҳур кинорежиссёрлар кинофильмлар ишлаганлар.

Дастлаб 1909 йили ёзувчининг “Азизим” романи актёрлар – Роберт Паттинсон ва Ума Турман иштирокида суратга олинган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамоаси драматург Ҳайитмат Расулга умр йўлдоши

Ўрозгул ая Авазовнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Бадиий академияси жамоаси Иқоу Хираяма халқаро маданият қарвон саройи директори Фаррух Усмоновга онаси

ҲАБИБА аянинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.



O'ZBEKISTON
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Электрон почта манзили:
uzas.gzt@mail.ru

Муассис:
ЎЗБЕКISTON
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



Бош
муҳаррир
ХУМОЮН
АҚБАРОВ

Тахририятга келган кўғезмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқсани назардан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир Шухрат АЗИЗОВ
Саҳифаловчи Нигора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган. Адали - 1096 Буюртма Г - 638. Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2. Нашр кўрсаткичи - 222. Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

“Шарқ”
нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.

Босмахона манзили:
Буюк Турон кўчаси,
41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 21.35.

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ

Сотувда нархи эркин.



ISSN 2181-614X

